БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 177 (408)
6 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Пахта йиғим-теримини зўр уюшқоқлик блан ўтказиш учун курашайлик! Тошкент область МТСлари ва совхозлари пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг 1955 йилда пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўриш ва теримни ўтказиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари (1-нчи бет).

З. Шокиров, З. Исроилов. — Ички резервлар ишга солинмаган корхонада (2-нчи бет).

Ф. Ҳакимов. — Совет кишисининг ахлоқи ва шарафи ҳақида (2-нчи бет).

Б. Баянов. — СССР халқларининг дўстлиги — социалистик интернационализм идеяларининг ифодаси (2 ва 3-нчи бетлар).

П. Абламонов. — Коллектив шартномаларнинг бажарилишига эришайлик (3-нчи бет).

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқни сўзсиз бажарайлик! (3-нчи бет).

Япония парламент делегациясининг матбуот конференцияси (4-нчи бет).

Югославия иқтисодий делегацияси ватанига жўнаб кетди. (4-нчи бет).

Совет қишлоқ хўжалик делегацияси Канадада (4-нчи бет).

Пахта йиғим-теримини зўр уюшқоқлик блан ўтказиш учун курашайлик!

* * * *

Тошкент область МТСлари ва совхозлари пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг 1955 йилда пахтани машина блан теришга тайёргарлик кўриш ва теримни ўтказиш юзасидан ўз зиммаларига олган

социалистик мажбуриятлари

Коммунистик Партия ва Совет ҳукумати Совет давлати куч-қудратини мустаҳкамлаш, халқнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжини энг кўп даражада та'мин этиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Областимиз колхозчилари, МТС ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бу ҳосил давлатга камида 460 минг тонна пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятимизни бажаришни та'мин этади.

Пахтакорларимизнинг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифаси — пахта ҳосилини қисқа муддат ичида сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга пахта топшириш планини ҳамда ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни муддатидан олдин бажаришдан иборатдир.

Пахтани ҳеч бир нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ҳамда келгуси йил мўл ҳосили учун кўриладиган кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун машиналар блан колхоз ва совхозларда камида 131 минг тонна пахта териб беришимиз керак. Бу шарафли вазифани бемалол бажаришимиз мумкин. Машина-трактор станциялари пахтани машина блан териш учун зарур бўлган техникага, шунингдек малакали механик-ҳайдовчиларга эгадирлар. МТС ва совхозларимиз машина блан пахта теришни уюштиришда бой тажриба ортдирганлар.

Ўтган йили кўпгина совхоз, МТС ва колхозларимиз пахтани машина блан теришда анча яхши ютуқларга эришдилар. «Малик» совхозида 1954 йилда бутун ҳосилнинг 80 процента, Мирзачўл районидаги 2-нчи МТС зонасидаги колхозларда 16 процента, Гулистон районидаги 3-нчи МТС зонасидаги колхозларда эса 26,4 процента машина блан териб олинди. Мирзачўл районидаги Каганович номли колхозда ялпи ҳосилнинг 50 процентдан кўпроғи, Гулистон районидаги Свердлов номли колхозда 42 процента, Октябрь районидаги Киров номли колхозда 60 процента машиналар блан терилди.

Кўпгина механик-ҳайдовчилар пахтани машина блан теришда меҳнат унумини ошириб, Узбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотландилар. Масалан, Чиноз районидаги МТСнинг механик-ҳайдовчилари Ўртоқ Бибаров мавсумда 112 тонна, Ўртоқ Раҳимқулов 74 тонна, Пахта МТСининг механик-ҳайдовчиларидан Сухопляс, Узаиров, Черних, Саитов ва бошқа ўртоқларнинг ҳарбири 70—90 тоннадан пахта тердилар.

Бизнинг вазифамиз — пахтани машина блан териш ишини намунали ташкил этишда, олинган социалистик мажбуриятларини бажаришда колхоз ва совхозларга энг кўп ёрдам беришдан иборат бўлиши керак. Биз шуни аниқ биламизки, пахтани машина блан териш йўли блангина далаларимизда етиштирилган мўл ҳосилни тез ва нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш, келгуси йил ҳосили учун зарур бўлган кузги агротехника тадбирларини ўз вақтида тўла амалга ошириш мумкин бўлади.

Биз область кенгашига қатнашган механик-ҳайдовчилар КПСС XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз зиммамизга қуйилаги мажбуриятларни оламиз:

Пахта териш машиналарини ремонт қилишни ва уларни торайтирилган қатор ораларида ишлашга мослашни 20 сентябрьгача тугаллаймиз. Ремонтнинг сифатли бўлишига алоҳида а'тибор берамиз, пахта териш даврида машиналарнинг техник сабаблар блан тўхтаб қолишига йўл қўймаймиз.

Мавсумда бирқаторли пахта териш машиналарининг ҳарбири блан 70—80 тонна, икки қаторли машиналарнинг ҳарбири блан 80—100 тоннадан пахта териб, колхозларда жа'ми 100 минг тонна, совхозларда эса 31 минг тонна ҳосилни йиғиб берамиз.

Машина блан пахта теришни бошлаш давригача далачилик бригадалари блан биргаликда терим машиналарининг унумли ишлашини та'минлаш учун зарур бўлган барча тадбирларни (бегона ўтларни йўқотиш, суғориш эгатлари, ўқ ариқларни кўмиб текислаш, машина қайрилиш жойларини тайёрлаш) амалга оширамиз.

Пахтани машина блан теришнинг муваффақияти ғўза барглариини ўз вақтида сифатли қилиб тўкишга боғлиқ. Бу мас'улиятли иш ҳарбир даладаги ғўзанинг ҳолатини э'тиборга олган ҳолда энг қулай агротехника муддатларида бажарилиши керак.

Техникани яхши билиш, машиналарни тўғри созлайолиш ва ўз вақтида техник қаровдан ўтказиб туриш терим машиналари иш унумини оширишнинг энг муҳим шартидир.

МТС ва совхозларнинг раҳбарлари буни э'тиборга олиб, пахта терими бошланғунича машина блан пахта теришда қатнашадиган барча ходимларнинг семинарини ўтказишлари, шунингдек теримни группалаб уйиштиришлари ва машиналарга техник хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйишлари керак.

Пахта ҳослини йиғиб-териб олиш — давлат аҳамиятига эга бўлган катта ишдир. Биз, пахтачилик ходимлари учун пахтани қисқа муддат ичида сра нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан ҳам кўра фахрли ва мас'улиятли вазифа йўқ.

Биз барча механик-ҳайдовчиларни, пахта тозалаш машиналарининг машинистларини, МТС ва совхоз ходимларини КПСС XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилишга, пахтани йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш юзасидан ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги кунигача бажаришга чақирамиз.

(Бу мажбурият механик-ҳайдовчиларнинг 1955 йил, 30 августда бўлиб ўтган область кенгашида қабул қилинган).

Пахта терими авж олмоқда

Октябрь районида 827 гектар ерда мўл ҳосил етиштирган Хрушчев номли колхоз а'золари 29 августда пахта теримини бошлаб юбордилар. Колхознинг 204 теримчиси областимиз илғор теримчилари ва механик-ҳайдовчилари Мурожаатига жавобан мавсумда 5 — 10 — 15 минг килограммдан пахта теришга қатнашган социалистик мусобақага қўшилиб, теримда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Масалан, Тошбуви Мусаева, Эргашбуви Зияева, Қурбон Аширова, Тўлқиной Жабборова ва бошқа илғорлар дастлабки кунлардаёқ 75 — 100 килограммдан пахта тераётирлар. Кўпчилик теримчилар ҳозирги даврда белгиланган кунлик нормани ортиғи блан бажармоқдалар.

Райондаги Андреев номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам пахта терими бошланди.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГИЗ!

Бўка районидаги Сталин номли колхоз а'зоси ўртоқ Саодат Қулаҳмедова кўп йиллардан буён пахта теришда зўр маҳорат кўрсатиб, меҳнат унумини оширишда бошқаларга намуна бўлиб келмоқда. У, 1954 йил мавсумида 17 минг килограмм пахта териб, районда донг чиқарди.

Ўртоқ Қулаҳмедова илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг яқинда бўлиб ўтган область кенгашида иштироқ этди. Кенгаш қатнашчилари КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 5 — 10 — 15 минг килограммчилар ҳаракатини кучайтириб юбориш ҳақида барча теримчиларга қарата Мурожаат қабул қилдилар. Ўртоқ Қулаҳмедова ҳам бу Мурожаатга қўл қўйди ва бу йилги мавсумда 20 минг килограмм пахта териб бериш мажбуриятини олди. **Суратда: Ўртоқ Саодат Қулаҳмедова.**

Н. Меламед фотоси.

Йиллик планнинг 1,5-2 процента миқдорида пахта терилаётир

Биринчи «Боёвут» совхозининг бешинчи бўлимидаги ўртоқ Б. Бегалиев бошлиқ бригада а'золари ўтган йили 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга пахта топшириш планини 104 процент бажарган эдилар. Бригада а'золари бу йил 142 гектар ерга чигит экиб, ғўзани квадрат-уялаб ва торқаторлаб ўстирдилар. Ғўза парваришини илғор агротехника асосида ўтказиб кўсакларни эрта очилтиришга ҳам эришдилар. Ҳозир бу бригадада пахта терими бошланди. Бригада а'золари шу кунгача давлатга пахта топшириш планининг 3 процента миқдорида ҳосилни териб олдилар. Терим сур'ати кундан-кунга ошмоқда. Бу соҳада илғор теримчилар намуна кўрсатмоқдалар. Жумладан, теримчилардан Тошбуви Избосарова, Ҳадича Мамақўлова, Қизлар Ҳатамова ва бошқалар ҳар куни 60 — 70 килограммдан пахта териб, кунлик нормани ошириб бажармоқдалар.

Бригада ишчилари КПСС XX с'ездига бағишланиб бошланган мусобақани кучайтириб, шунингдек областимиз илғор теримчилари ва механик-ҳайдовчилари Мурожаатига қўшилиб, пахта йиғим-теримини Улуғ Октябрь социалистик революцияси 38 йиллиги кунига бажариш учун курашмоқдалар. Улар сентябрь ойида йиллик планнинг камида 50 процента миқдорида пахта теришга қарор қилдилар.

Ж. РАЗЗОҚОВ.

Чорва қишловига ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўрайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати яқин йиллар ичида чорвачиликнинг ривожланишини аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хомаш'ёга бўлган ҳамда тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни та'минлаш имконини берадиган даражага етказишни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқдалар. Бу вазифани бажариш учун яқин беш-олти йил ичида чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштиришни икки баравар ва икки баравардан зиёдроқ ошириш лозим. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш программасини белгилаб, бу программанинг муваффақиятли суратда амалга оширилишини та'минлайдиган конкрет тадбирларни бирма-бир кўрсатиб берди.

Областимизнинг партия, совет ташкилатлари ва қишлоқ хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини бажариш учун курашиб, чорва молларининг наслини яхшилаш — серсут сигирларни, майин жунли қўй-эчкиларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида, чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган иш процессларини кенг миқёсда механизациялашда, чорва моллари учун мустаҳкам емхашак базаси вужудга келтиришда анчагина иш қилдилар. Бу йил колхоз ва совхозларда пландаги 3 минг 900 гектар ўрнига 14 минг 500 гектар ерга маккажўхори экилди.

Чорвачиликни ривожлантириш ишига чинакам киришган ва мавжуд имкониятлар ҳамда резервлардан тўғри фойдаланган жойларда жамоат чорвачилигини юксалтириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда жиддий муваффақиятлар қўлга киритилмоқда, чорва қишловига намунали тайёргарлик кўрилмоқда.

Масалан, Оржоникидзе ва Калинин районларининг колхозлари ана шундай қилмоқдалар. Оржоникидзе районида чорва қишлови учун керак бўладиган ҳамма нарсалар ҳозирланоқ тахт қилиб қўйилмоқда, молхона ва қўйхоналар ремонти тамомланаётир. Колхозлар жамғарган ем-хашак чорва молларининг эҳтиёжини тўла қоплайди. Калинин районининг колхозлари бу йил қўй, эчки, чўчқа ва паррандачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган давлат планини ортиғи блан бажардилар. Колхозларда сигирларни боқиш анча яхши йўлга қўйилгани учун давлатга сут топшириш мажбурияти ҳам ошириб адо этилди.

Лекин, умуман олганда областимизда жамоат чорвачилигига раҳбарлик савияси ҳали ҳам КПСС Марказий Комитети январь Пленуми томонидан қўйилган юксак талаблар даражасига кўтарилмаган. Кўпгина район партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари, совхоз ва МТС дирекциялари чорвачиликни ривожлантириш иши блан юзаки шуғулланиб келмоқдалар, бу соҳада белгиланган тадбирларни жуда сусткашлик блан амалга оширмоқдалар. Чорвадорлар орасида жамоат чорвачилигини юксалтириш соҳасида Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа етарли равишда ривожлантирилмаётир, оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Ба'зи бир район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш ишига конкрет бўлмаган ва юзаки раҳбарлик қилишдан иборат нотўғри практикани давом этдирмоқдалар.

Бунга мисол қилиб Ховос районини кўрсатиш мумкин. Ховос районининг экономикасида чорвачилик муҳим ўрин тутади. Район колхозлари жуда катта ем-хашак резервига эга. Бу районда етарли даражада серўт яйловлар ва пичанзорлар бор, жамоат чорвачилигини кескин равишда ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бироқ, ана шундай имкониятлар бўлишига қарамай, районда чорвачилик қониқарсиз аҳволдадир, чорва моллари-нинг маҳсулдорлиги паст. Ўтган йили кўпгина колхозларда молларни боқиш, парвариш қилиш ва асрашнинг ёмон ташкил этилганлиги, етарли миқдорда ем-хашак жамғарилмаганлиги натижасида анча чорва моллари нобуд бўлган эди. Бу йил ҳам чорва қишловига тайёргарлик қониқарсиз олиб борилмоқда. Ем-хашак тайёрлаш, силос иншоотлари қуриш юзасидан берилган план бажарилмаётир. Силос бостиришда ҳам Ховос райони область районлари ичида энг орқада қолиб, 31 августгача планини фақат 9,7 процент бажарди, холос. Шунингдек, чорва бинолари, қўралар қуриш, эскиларини ремонт қилиш ишлари ҳам кечиктирилмоқда. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари Мирдоиаев, Симерейчик ва Бойботиров ўртоқлар чорвачиликда рўй берган қолоқликни тезроқ тугатиш учун шошилинч чоралар кўрмаётирлар.

Шуни унутмаслик керакки жамоат чорвачилигини кескин равишда юксалтириш — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги марказий вазифадир. Колхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бутун қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга ҳамда колхозчиларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилашга ёрдам беради. Шунинг учун чорвачиликка етарли баҳо бермаслик каби қайфиятларни қат'иян қоралаш, қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тормоғига қилинаётган раҳбарликни ҳозирги куннинг юксак талаблари даражасига кўтариш лозим.

Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш — жамоат чорвачилигини муваффақиятли ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Бу эса ем-хашак базасини ташкил этишни тубдан яхшилашни ва мавжуд резервлардан тўла фойдаланишни талаб қилади. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари, совхоз ва МТС дирекциялари чорва қишловига тайёргарлик кўришнинг ҳозирги энг қизғин ва мас'улиятли кунларида ем-хашак тайёрлаш сур'атини янада тезлаштиришлари, пахта йиғим-терими оммавий равишда бошланганига қадар етарли миқдорда ем-хашак жамғарилишига эришишлари керак. Ҳарбир колхозда ва совхозда мавжуд чорва молларнинг ҳамма турларини ем-хашак блан тўла та'минлаш учун ем-хашак бригадаларини ишчи кучлари ва тегишли воситалар блан мустаҳкамлаш, уларнинг ишдаги мас'улиятини ошириш лозим.

Чорва моллари учун энг яхши озуқа ҳисобланган силосни ўз вақтида, етарли миқдорда бостириб олиш — муҳим вазифадир. Афсуски, силос бостириш юзасидан берилган топшириқлар кўпчилик районларда қониқарсиз бажарилмоқда. Айниқса силос бостиришда Тошкент, Оҳангарон, Верхневолинск, Паркент, Боёвут, Чиноз ва Бекобод районлари орқада қолмоқдалар. Бу районларда силос бостириш белгиланган планга нисбатан 20—30 процент ўртасида бажарилган холос. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳам бу соҳадаги қолоқликни тугатиш учун конкрет тадбирларни амалга оширмаётир. Силос бостириш юзасидан берилган топшириқ ҳарқандай шароитда бўлса ҳам бажарилиши керак. Силос бостиришда лағал хашаклар, сабзавот чиқиндилари ва бошқалардан кенг фойдаланиш лозим.

Мол қишлови чорвачиликда энг мураккаб ишдир. Қиш даврида чорва молларини зооветеринария талабларига ҳамда хўжаликни маданий тартибда олиб бориш қоидаларига жавоб берадиган бинолар блан та'минлаш — чорвачиликни юксалтиришнинг жуда муҳим шартидир. Шунинг учун чорва қишловига ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўриш масаласи ҳозир барча партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг диққат марказида туриши керак. Иссиқ чорва бинолари, қўралар қуриш, эски биноларни ва қудуқларни ремонт қилиш, мол қишлайдиган жойларга етарли миқдорда ем-хашак ташиб келтириш каби ишлар шу кунларда бажарилиши лозим. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши чорва молларининг қишдан семиз ва соғлом чиқишини та'минлайди.

Чорванинг тақдирини ҳамавақт жонли кишилар — кадрлар ҳал қилади. Чорвачилик ходимлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, уларни рағбатлантириб бориш — партия ташкилотларининг бурчидир. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари чорвадорларга, айниқса узоқ яйловлардаги чорвачилик ходимларига моддий-маиший шароитни яхшилаш тадбирларини кўришлари, улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ва социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишлари керак. Чорвачилик новаторлари ва мутахассисларининг илғор иш методларини оммалаштиришга алоҳида э'тибор бериш зарур.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг чорвачиликка раҳбарлик қилиш савиясини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтарайлик, чорвачиликда энг муҳим давр ҳисобланган чорва қишловига ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўрайлик!

Фабрика маркаси учун

«Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати». Бу фабрика маркасини Совет Иттифоқидаги кўп районларнинг магазинларида учратиш мумкин. Моҳир ўзбек тўқимачилари томонидан тайёрланган газламаларга четэлларда ҳам юксак баҳо берилмоқда, бу газламаларнинг юқори сифатли эканлиги корхонага келиб кетган жуда кўп четэл делегациялари томонидан ҳам та'кидланди.

Комбинат коллективи КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорига жавобан маҳсулот сифатини янада яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Химиклар тўқимачиларга катта ёрдам кўрсатаётирлар. Улар пардозлаш сифатини оширишнинг бирқанча янги методларини ишлаб чиқдилар. Уларнинг таклифи блан ҳозирги вақтда бўялган газламага гул солиб босиш усули кенг қўлланилмоқда. Декоратив газламаларни безаш учун бирқанча бўёқларни аралаштириш йўли блан тайёрланадиган жуда хилма-хил чиройли бўёқлардан фойдаланилмоқда. Корхонада бўяш сифатини аниқламоқ учун махсус асбоб-фотоколориметр қўлланилабошланди. Газламаларни пардозлаш учун махсус бўёқ агрегатлари танлаб олинди. Бу хил газламалар Ўрта Осиёдаги савдо ва тикучилик корхоналарининг заказлари бўйича тайёрланмоқда. Бу бўёқлар қуёш та'сири остида ўчиб кетмайди.

Сталин номидаги комбинатда янги хил газлама — батист ва вуаль-креп ишлаб чиқариш ташкил этилди. (УзТАГ).



☆

Қардош Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Ўзбекистон ССР пахтакорлари блан тузилган социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганини текшириш учун республикамизга келди. **Суратда:** Озарбайжон пахтакорларининг вакиллари Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг пахта далаларида. Чиноз МТСининг бош агрономи ўртоқ **Школев** (чапдан, олдинги қаторда иккинчи) ўзаро текшириш бригадасининг а'золарига мўл ҳосил тўплаш юзасидан қилинган ишлар ҳақида сўзлаб бермоқда.

А. Аверьянов фотоси.

☆

Ички резервлар ишга солинмаган корхонада

«Қизил тонг» фабрикаси республикамиздаги калса корхоналардан бири. Корхона коллективи эркаклар ва аёлларга, йигит ва қизларга ҳамда турли ёшдаги болаларга хилма-хил пальтолар, плащчлар, костюм, шим ва бош кийимлари тикаётир.

Ма'лумки, ҳозир саноатнинг ҳамма тармоғида иш процессларини тўла механизациялаш ва автоматлаштириш учун, янги техниканы кенг жорий этиш ва мавжуд механизмларни модернизация қилиш учун кураш тобора қизғин тус олиб бормоқда. Фабрикада ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш, эскирган машиналарни энг янгиси блан алмаштириш, технология процессларини такомиллаштириш юзасидан шу бешйиллик давомида анчагина ишлар қилинди. Шу йилнинг ўзида пиджакка тугма қадаш машинаси, ҳархил пальто ва костюмларнинг ёқа ва чокларини ётқизадиган фальцпресс, шимларнинг қалин чокларини дазмоллайдиган пресс, пальто ҳамда пиджакларнинг кўкрак ва чўнтак чокини ўлдирадиган гидравлик ёстўқчали пресс, бичишда қўлланиладиган махсус қирқув асбоблари каби ўнларча мукаммал механизмлар ўрнатилиб, қўл меҳнати деярли тугатилди. Тикучилик цехларидаги ҳамма ишлар конвейер усулига кўчирилди.

Броқ ҳали фабрикада мавжуд механизмлар қувватидан тўла фойдаланиш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш яхши йўлга қўйилмаган. Шунинг учун фабрикада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилса ҳам, маҳсулотнинг асосий хиллари бўйича белгиланган план бирнеча ойдан бери бажарилмай келади.

Тўғри, 7 ойлик план бажарилиб, қўшимча равишда бирнеча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб берилди. Аммо бу кўрсатгичга иккинчи даражали маҳсулот ҳисобига эришилди. Кенг истеъмолчилар талаб қилаётган сифатли ва бежирим костюм, пальто тайёрлаш планлари бажарилмай келади.

Агар фабрика директори Ўртоқ Не'матовдан корхонада давлат планларини тўла ва ошириб бажариш юзасидан қандай ишлар қилинаётганлиги тўғрисида сўраб қолгудек бўлсангиз, у:

— Биз ялпи маҳсулот ишлабчиқариш планини ҳардоим бажариб келамиз, — дейди.

— Маҳсулот турлари бўйича-чи?

— Маҳсулотнинг асосий турлари юзасидан берилган планни ошириб бажарамиз. Масалан, ярим йилга белгиланганидан 37,6 процент кўп кийим етказиб бердик. Лекин пальто, костюм ва шимлардан ҳардоим озмоз қарз бўлиб қолаяпмиз.

Ғап маҳсулот турларига келганда Ўртоқ Не'матов главка ва министрликни фабрикага газлама «етказиб бермаётганлиги»ни важ қилиб, уларни танқид қилади. Лекин фабрикадаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳақида индамайди. Агар тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатидан сўз очсангиз яна битта «лекин»ни эшитасиз. Яхшиси яқинда чиқарилган фабрика «Молния»га мурожаат қилайлик, унда шу масала юзасидан қизиқ бир материал босилган. «Молния»да зерикишдан эснаб ўтирган кишининг расми тагига қуйидаги сўзлар ёзилган:

«— Сталинобод базасининг директори нега зерикиб ўтиришти?

— «Қизил тонг» фабрикасидан юборилган пальто-плащчларни ҳечким йўқламаяпти-да. Бичими хунук, тикилиши дағал».

Дарҳақиқат бичиқчилик цехидаги шикоят ва таклифлар дафтарининг ҳар варағида бичиқчиларнинг ёмон ишлаётганлигини ўқийсиз. Тикучилар бу дафтарга бичиқчилар ўртасида меҳнат интизомининг бўлмаслигидан, заказларни белгиланган размерга риоя қилмай бичишларидан норозилик билдириб, «фалон фасонлик кийимнинг енги калта қирқилган, ўмизи нотўғри ўйилган, бели қўпол», деган сўзларни ҳар куни ёзавериб, муқоваси ўтказиб юбордилар.

Тикучилик цехларида ҳам бир чоқни 2—3 мартадан қайтариб тикиш, нотўғри тиқилган кийимларни топшириб юбораверишлар ҳоллари тез-тез юз бериб турали. Старший технолог Г. Абрамова эса «иш бор жойда брак ҳам бўладида» деб, пинагини бузмай юрипти. Ҳар ойда 20—25 процент маҳсулотнинг бузиб-тузатилаётганлиги, цехларга қайта ишлашга ҳаркуни ўнлаб кийимларнинг қайтарилиши корхонада одат тусига кириб қолган.

Фабрикада рационализаторлик иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 8 ойда тўпланган таклифлар сони 25 тадан ошмайди. Йил бошидан бери бирон марта ҳам рационализаторлар йиғилиши ўтказилмаган.

Бош механик Георгий Лобанов «НП—2» стол прессига пиджак ёқасини формалайдиган мослама ва пальто этагини, бортини ҳамда четки чокларини дазмоллайдиган пресс, пальто ҳамда пиджакларнинг кўкрак ва чўнтак чокини ўлдирадиган гидравлик ёстўқчали пресс, бичишда қўлланиладиган махсус қирқув асбоблари каби ўнларча мукаммал механизмлар ўрнатилиб, қўл меҳнати деярли тугатилди. Тикучилик цехларидаги ҳамма ишлар конвейер усулига кўчирилди.

Броқ ҳали фабрикада мавжуд механизмлар қувватидан тўла фойдаланиш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш яхши йўлга қўйилмаган. Шунинг учун фабрикада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилса ҳам, маҳсулотнинг асосий хиллари бўйича белгиланган план бирнеча ойдан бери бажарилмай келади.

Тўғри, 7 ойлик план бажарилиб, қўшимча равишда бирнеча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб берилди. Аммо бу кўрсатгичга иккинчи даражали маҳсулот ҳисобига эришилди. Кенг истеъмолчилар талаб қилаётган сифатли ва бежирим костюм, пальто тайёрлаш планлари бажарилмай келади.

Агар фабрика директори Ўртоқ Не'матовдан корхонада давлат планларини тўла ва ошириб бажариш юзасидан қандай ишлар қилинаётганлиги тўғрисида сўраб қолгудек бўлсангиз, у:

— Биз ялпи маҳсулот ишлабчиқариш планини ҳардоим бажариб келамиз, — дейди.

— Маҳсулот турлари бўйича-чи?

— Маҳсулотнинг асосий турлари юзасидан берилган планни ошириб бажарамиз. Масалан, ярим йилга белгиланганидан 37,6 процент кўп кийим етказиб бердик. Лекин пальто, костюм ва шимлардан ҳардоим озмоз қарз бўлиб қолаяпмиз.

Ғап маҳсулот турларига келганда Ўртоқ Не'матов главка ва министрликни фабрикага газлама «етказиб бермаётганлиги»ни важ қилиб, уларни танқид қилади. Лекин фабрикадаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳақида индамайди. Агар тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатидан сўз очсангиз яна битта «лекин»ни эшитасиз. Яхшиси яқинда чиқарилган фабрика «Молния»га мурожаат қилайлик, унда шу масала юзасидан қизиқ бир материал босилган. «Молния»да зерикишдан эснаб ўтирган кишининг расми тагига қуйидаги сўзлар ёзилган:

«— Сталинобод базасининг директори нега зерикиб ўтиришти?

— «Қизил тонг» фабрикасидан юборилган пальто-плащчларни ҳечким йўқламаяпти-да. Бичими хунук, тикилиши дағал».

Дарҳақиқат бичиқчилик цехидаги шикоят ва таклифлар дафтарининг ҳар варағида бичиқчиларнинг ёмон ишлаётганлигини ўқийсиз. Тикучилар бу дафтарга бичиқчилар ўртасида меҳнат интизомининг бўлмаслигидан, заказларни белгиланган размерга риоя қилмай бичишларидан норозилик билдириб, «фалон фасонлик кийимнинг енги калта қирқилган, ўмизи

В. М. Молотов номидаги Тошкент Медицина институтининг рентгенология ва медицина радиологи клиникасида эквиленти 400 грамм соф радийга тенг келадиган радиоактив кобальтли янги гамма аппарати ўрнатилди. **Суратда:** Старший рентгенотехник **А. Д. Асриянц** «ГУТ — 400» аппаратини бошқариш пультн ёнида.

Б. Мазур фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси)

Пахта пункти мавсумга тайёр

Ўртачирчиқ районидаги Тўйтепа пахта пунктининг коллективи бу йилги мавсумда янги пахта ҳосилини қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўрди ва ремонт ишларини белгиланган муддатдан илгари тугаллади.

Пунктдаги пахтани бунт қиладиган 17 та майдонча, 4 та пахта омбори, бирнеча транспортёрлар, пахта қоплайдиган машина ва катта тарозилар тўла ремонтдан чиқарилди.

Пахта пунктига колхозлар учун 9 минг дона қоп-қанор, 17 минг 800 дона этаклар келтирилди. Пункт ҳузуридаги 2 та катта ётоқхона ремонтдан чиқарилди ва керакли инвентарьлар блан та'мин этилди. Пахта пункти янги ҳосилни қабул қилишга тайёр.

Т. ЙУЛДОШЕВ.

Янги зийнат асарлари

Яқинда Тошкентдаги Узхудожпрейпромсовет музейи биносида бадиий совет йиғилиши бўлиб, бунда амалий сан'атнинг нодир ва оммавий асарлари намуналари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар савдо ташкилотларининг вакиллари, сан'атшуносслар, рассомлар, халқ усталари, артель ва тўқимачилик комбинатининг вакиллари қатнашдилар.

Ҳозир бўлганлар гилам, каштa, кичик ҳажмли ҳайкал каби зийнат асарлари намуналарини зўр қизиқиш блан кўздан кечирдилар ва 50 дан ортиқ зийнат буюмлари намуналарининг эскизларини тасдиқладилар. Яқин кунлар ичида бу эскизлар оммавий равишда ишлабчиқариш учун бадиий артельларга топширилади. Булар ичида тематик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган рассом В. Кедринининг «Социалистик Тошкент» панноси диққатга сазовордир. Шунингдек, гиламнинг янги нусхалари бўйича ҳам эскизлар қабул қилинди.

Каштa устаси Г. Аткининнинг «Пахтакор қиз» эскизи ва бошқа тематик жиҳатдан муҳим эскизлар ҳам ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

О. АПУХТИН.

Совет кишисининг ахлоқи ва шарафи ҳақида

Янги, коммунистик ахлоқни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш — совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим, ажралмас қисмидир. Коммунистик ахлоқ — қуллик ва эксплуатация кишиларидан озод бўлган совет кишисининг ахлоқидир. Коммунистик ахлоқ совет жамияти куч-қудратининг ўсишига, меҳнаткашларимизнинг коммунизм қуриш йўлида олға қараб ҳаракат қилишига ёрдам беради. Коммунистик ахлоқ шахсиятпарастликни тарғиб қилучи, меҳнаткашларни эзиш ва империалистик урушларни ёқловчи буржуа ахлоқига қарши қаратилгандир.

Ма'лумки, буржуа ахлоқи капиталист ва помешчиклар манфаатини ҳимоя қилади, эксплуатацияга асосланган тузумни ҳамда тенгсизликни ёқлаб чиқади. Буржуазия учун ҳамма нарса товарга айланиб қолгандир. Виждон ва номус, билим ва қобилият, талант ва илҳом, муҳаббат ва ғўзаллик — буларнинг барчаси буржуа жамиятида пулга сотилади ҳамда сотиб олинади.

Совет ижтимоий ва давлат тузуми совет кишиларида ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш, юксак интизомлилик ва ташкилотчилик, социалистик гуманизм ва оптимизм, коллективизм, дўстлик ва ўртоқлик, ҳаққонийлик ва принципиаллик, революцион ҳушёрлик каби юксак фазилатларни тарбиялайди.

Кишининг ма'навий қиёфаси, унинг ахлоқи дастлабки меҳнат процессида шакилланиб боради. Кишининг интизоми ва ташкилотчилиги, унинг ўз кучига бўлган ишончи, инсон қадр-қимматини ҳис этиш, чидамли ва ҳаққоний бўлишлик, хуллас коммунизм қурувчилар учун зарур бўлган барча қимматли ҳислатлар ижтимоий меҳнат процессида тарбияланиб боради. Фақат меҳнат қилиш орқалигина киши ўзини ва бошқаларни чинакамига ҳурмат қилишга ўргатади. Бизда кишини унинг қаерда ва қандай ишни бажараётганига қараб эмас, балки қандай ишлаётганига, топширилган ишга қандай муносабатда бўлаётганлигига қараб қадрлайдилар.

Соғлом совет ёшлари ўртасида айрим текинхўр ва яқлов кишиларни ҳам учратиш мумкин. Бундай кишилар ўз ота-оналарининг мансабидан фойдаланиб, бутун умрини жуда осонлик блан ва беташвиш ўтказишни ўйлайдилар, улар ҳечқаерда ишламай ва ўқимай ўз турмушларининг кўпгина қисмини ресторан ҳамда пивохоналарда ўтказадилар. Бебошлик ва ичкиликбозлик эса уларни жиноий ишлар қилишга олиб келади.

Шундай бир мисол келтирайлик. Тошкент шаҳар милиция Бошқармасига келган ма'лумотларга кўра, Каюрин ўз ота-онасининг қаровсизлигидан фойдаланиб, бандитлар группаси блан алоқа боғлаган ва уларга отасининг тўпончасини топширган. Боланинг онаси 49-нчи мактаб ўқитучиси бўлатуриб, ўғлининг ана шу ярамас хатти-ҳаракатига ҳечқандай та'сири кўрсатаолмаган. Ота-она ўз ўғлини тўғри тарбиялаш чораларини кўрмаган. Натижада ўғил бирданқа жиноий ишнинг содир бўлишига сабабчи бўлган. Масалан, шу йил 26 апрель куни кечаси соат 11 лар да И. Итин, Л. Усть-Качкинцев, В. Гаврилов ва В. Семеновлар группа бўлиб скверга келганлар ва скамейкада дам олиб ўтирган политехника институтининг студенти В. Ковалёвни Каюрин берган тўпончаси блан қўрқитиб, унинг соатини тортиб олганлар. Стрелковая кўчасида эса, улар гражданин Несиревнинг камзелини ечиб олганлар. Жиноятчилар ушланиб, судга берилди.

Таловчиларнинг бири 17 яшар И. Итин бўлиб, унинг отаси Сталин райпитчеторги магазинида ишлайди. 18 яшар Усть-Качкинцев эса Куйбишев Ремстройконторасининг инженери, КПСС а'зоси Л. Усть-Качкинцевнинг ўғлидир. 18 яшар Семенов ва Гавриловларнинг ҳам ота-оналари бор.

Бу ёшларнинг таловчилик йўлига кириб кетишларига сабаб нима? Асосий сабаб шундаки, уларнинг ота-оналари ўз болалари устидан қат'ий назорат ўрнатмаган, боласи ўз ҳолига ташлаб қўйганлар ва унинг тақдири тўғрисида ўйламаганлар. 87-нчи мактабнинг дирекцияси ва комсомол ташкилоти эса 10-нчи синф ўқучилари И. Итин ва А. Каюриннинг нотўғри хатти-ҳаратига э'тибор бермаган, уларни ёмон йўллан қайтариш чорасини кўрмаган, натижада бу ўқучиларнинг жиноятчи бўлишларига сабабчи бўлган.

Ота-оналар болаларнинг ҳартомонлама тўғри ўсиши учун, ёш авлодни ростгўйлик, халққа, партия ва Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш учун Совет давлати яратиб берган барча қулай имкониятлардан фойдаланмоқлари зарур.

Коммунистик партия барча совет кишиларини, ўсиб келаётган ёш авлодни халқ мулкига тўғри муносабатда бўлиш руҳида, давлат мулкини талон-тарож қилучиларга, ўғри ва муттаҳамларга, хуллас, социалистик мулкка кўз олайтирадиган барча кишиларга нисбатан мурасасиз бўлиш руҳида тарбиялямоқда. Бу табиий ҳол, чунки бизнинг мамлакатимизда социалистик мулкчилик жамиятимизнинг бузилмас асосини ташкил қилади. Бундай тарбия натижасида халқ оммасининг социалистик онглилиги ўсиб, жамоат мулки мустаҳкамланиб бормоқда.

Броқ, бизнинг жамиятимизда ҳали ба'зибир текинхўр кишилар борки, улар давлат ҳисобига, халқ ҳисобига яшаб кун кўришга интиладилар. Улар халқ мулкига кўз олайтирадилар. Чайқовчилик қиладилар. Совет халқи бундай кишиларга ла'натлар ўқийди, совет суди эса уларни шафқатсиз жазолайди.

Мисол учун Бланк, Юрист ва Ветман деган гражданларнинг жиноий ишларини олиб кўрайлик. Москва шаҳрида яшаб келган Ф. З. Юрист Тошкентли Р. А. Бланк ва А. П. Ветман блан алоқа боғлаган. Улар ҳечерда ишламасдан, чайқовчилик қилиб келганлар, саноат моллариии қиммат баҳода сотиш йўлига ўтиб олганлар. Ф. З. Юрист Москвадан кўп миқдорда саноат моллари сотиб олиб, Тошкентга олиб келади. Бу моллар Бланк квартирасига келтирилиб, Ветман орқали бозорда сотилабошлайди. Ветман савдо-сотиқ устида қўлга тушади. Унинг ёнидан олти бўлак кабардин, пон-бархат ва сотиш учун олиб чиқилган бошқа товарлар топилади. Бланкнинг квартирасидан эса юқори баҳо блан сотиш учун мўлжаллаб қўйилган 38 бўлак шерсть ва шойи, жуда кўп суммада пул топилади. Бу уч кишн жиноий ҳаракатлари учун қўлга олинган.

Ҳарбир совет граждани халқ мулкини кўзқорачугидек сақлашга, социалистик жамоат мулкини қўриқлаш ва мустаҳкамлашга мажбурдир: ўғрилар, талон-тарож қилучилар ва муттаҳамларни шафқатсиз равишда фош қилиб ташлаши керак.

Суд ишларини анализ қилиш шуни кўрсатадики, сиёсий-тарбиявий ишлар ёмон йўлга қўйилган муассаса, ўқув юртлари, саноат корхоналари ва бошқа жойларда коммунистик ахлоққа хилоф ҳаракатлар, ҳатто жиноий ишлар рўй бермоқда. Меҳнат резервлари Тошкент индустриал техникумининг 3 курс студенти Владимир Боярский маст бўлиб, техникум ётоқхонасига киради ва буюмларни ўғирлайди. У жиноий иш устида ушланади. Техникум раҳбарлари — директори, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарьлари студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, студент Боярский ишини кенг муҳокама қилиш ва уни қаттик жазолаш ўрнига нотўғри йўл тутганлар, я'ни Боярскийнинг жиноий ишини қўзғашни тўхтатиш ва уни бўшатиб юборишни шаҳар прокуратурасидан илтимос қилганлар. Бу ерда шу нарсани айтиб ўтиш ўринлики, техникум ма'мурияти, партия ва комсомол ташкилотларининг бу хилдаги ҳаракатлари уларни Боярскийни тарбиялаш ишига жуда саёз қараганликларини яққол кўрсатиб турипти.

Камтарлик ва соддалик—совет кишиси ахлоқидаги юксак маданийлик белгиларидан биридир. Кишн қанчалик маданий бўлса, у шунчалик камтари бўлади, манманлик, бошқаларни менсимаслик, кибрланиш каби салбий хислатлардан шунчалик узоқ бўлади.

Барча совет кишиларини улуғ Ленин ғояларига содиқ ва виждонли, коммунизм қурилишининг фидокор меҳнаткашлари қилиб тарбиялаш — партия, совет касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, бутун совет жамоатчилигининг муқаддас бурчидир.

Ф. ҲАКИМОВ,

Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари.

Район советининг доимий комиссиялари яхши ишламаётирлар

Меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон район Советининг 8 доимий комиссияси бор. Район Советининг ободончилик ишлари бўйича доимий комиссияси яхши ишлаб, сайловчилар томонидан берилган наказларнинг кўпчилигини амалга оширди. Лекин Советнинг ба'зи доимий комиссиялари ҳали етарли иш қилмай келадилар. Депутат Ўртоқ Мусаев раислик қилаётган маданий-оқартув ва халқ маорифи комиссияси жойлардаги аҳволни яхши билмайди ва маданий-оқартув ишларини яхшилашда район Советига ёрдам бермайди. Масалан, Киров номли колхозда бундан 8 йил илгари бошланган клуб биносининг қурилиши ҳанузгача битказилгани йўқ. Калинин номли, Жданов номли колхоз клублари ҳам э'тибордан четда қолиб кетган.

Район маданият бўлими ҳузуридаги лекторлар группаси қониқарсиз ишлаётир. Группанинг 18 а'зосидан фақат 3 кини онда-сонда лекция ўқиб турипти, холос. Рўйхатдаги лекторлардан врач Тоҳиров, район газетасининг редактори Шоисмоилов, район шакчилик бўлимининг мудири Фатхуллаев, райкомнинг 2-нчи МТС зонаси бўйича секретари Ўтамалиев ўртоқлар йил бошидан бери колхозчилар ўртасида бирор марта ҳам лекция ва доқлаллар қилмаганлар. Советнинг маданий-оқартув ва халқ маорифи доимий комиссияси лекторлар группасининг ишини яхши йўлга қўйиши ва маданият бўлими фаолиятини тўбдан яхшилашга ёрдам бериши лозим.

Шуни айтиш керакки, бундай аҳволнинг юз берганига қарамай, районнинг ба'зи раҳбар ходимлари камчиликларни бартараф қилишга аҳамият бермай келадилар. Район Совети доимий комиссиялар фаолиятини кучайтириш масаласи блан жиддий шуғулланиши ва уларнинг ишида тўбдан ўзгариш ясаши керак.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

СССР халқларининг дўстлиги—социалистик интернационализм идеяларининг ифодаси

Ишчилар синфининг идеологияси ва сиёсатидан иборат бўлган социалистик интернационализм бутун меҳнаткаш инсониятнинг ишига актив хизмат қилмоқда. Тарихий тараққиёт тажрибаси меҳнаткашларнинг қардошларча алоқа ва дўстлигини ўрнатиш, озодлик учун, социализм учун курашда уларнинг ҳаракатларини бирлаштириш зарур эканлигини исбот қилади.

Октябрь революциясининг галабаси ва СССРда социализм қурилганлиги, халқ демократияси мамлакатларида меҳнаткашларнинг ҳокимиятни ўз қўлларига олганликлари, социализмнинг СССР, Хитой Халқ Республикаси, барча халқ демократияси мамлакатларидан иборат қудратли халқаро лагерининг вужудга келтирилганлиги пролетар интернационализми идеяларининг чинакам тантанасидир.

Социалистик интернационализм идеологияси маркса-ленинча та'лимотнинг ажралмас таркибий қисми, барча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялари фаолиятининг энг муҳим принципларидан биридир.

Социалистик интернационализм буржуа миллатчилиги идеологиясига тамомила зиддир. В. И. Ленин буржуа миллатчилиги ва пролетар интернационализми бир-бирига тамомила душман бўлган шиорлар бўлиб, буржуа миллатчилиги буржуазия манфаатларига ва пролетар интернационализми пролетариат манфаатларига мос эканлигини яққол кўрсатиб берди. Бу шиорлар миллий масалада икки сиёсатни, икки хил дунёқарашни ифода этади.

Буржуа миллатчилиги халқларни бир-бирларидан ажратиб юбориш ишига хизмат қилади. Капитализм шароитида халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар одатда ҳуқуқий тенгсизлик асосида қурилади. Капитализм дунёсида эксплуататорларнинг синфий манфаатлари туфайли миллий адоват, кўпчиликни ташкил этган меҳнаткашлар блан озчиликни ташкил этган эксплуататорлар ўртасида антагонизм ҳукм сўради. Буржуа миллатчилиги халқларнинг тинч ҳамкорлик қилиши мумкинлигини, уларнинг эркин тараққиётини инкор қилади.

Интернационалистлар, бунинг акси ва, халқларнинг тинч ҳамкорлигини, уларнинг ўзаро ёрдамини бутун ижтимоий ҳаётнинг прогресс йўлидан ривожланиб бориши учун гаров, деб биладилар. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Эски дунёга, миллий зулм, миллий низо'лар ёки миллий айримлик дунёсига ишчилар ҳамма миллат меҳнаткашларининг бирлашган дунёсини қарши қўядиларки, бу дунёда бирорта ҳам имтиёзга, кишини кишининг заррача ҳам эзишига ўрин бўлмайди» (Асарлар, 19 том, 79 бет).

Бизнинг мамлакатимизда миллий масалани ҳал этиш практикаси, халқларнинг бузилмас дўстлигига асосланган кўпмиллатли Совет давлатининг вужудга келтирилганлиги социалистик интернационализмнинг принципларини ёркин ифода этди.

Коммунистик партия ўз тараққиётининг барча этапларида ленинча миллий сиёсатни сабот ва изчиллик блан амалга ошириб келди. Миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш, миллий адоват ва халқлар ўртасидаги ишончсизликни йўқотиш, халқларни ягона, қардош оилага жипслаштириш ҳақидаги талаб — партиямизнинг программасига ёзилган энг муҳим талаблардан биридир. Партия турли миллат меҳнаткашларини бирлик руҳида ва улар олдида турган синфий вазифаларнинг яхлитлиги руҳида, интернационализм руҳида зўр ғайрат блан тарбиялаб келди, чунки кучларни бирлаштирган тақдирдагина эски дунёнинг кучларини енгиш мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда социалистик революциянинг галабаси натижасида миллий зулм, миллий имтиёзлар тугатилди, халқларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглиги та'минланди, миллатларнинг то ажралиб чиқиб, мустақил давлатларни вужудга келтиришгача ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини амалга оширишнинг конкрет йўллари очилди.

Совет давлати халқларнинг иқтисодий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқий тенглигини ўзининг энг муҳим ишларидан бири деб э'лон қилди. Коммунистик партия мамлакатимиздаги кўпсонли миллат меҳнаткашларининг қардошларча ҳамкорлиги сиёсатини ўтказиб, бир вақтлар қолоқ бўлган халқларни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва юксалтириш йўлини амалга оширабошлади. Мамлакатни индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатининг амалга оширилганлиги, маданий революция ўтказилганлиги барча миллий совет республикаларининг экономикаси ҳамда маданиятини юксалтиришга ҳал қилучи та'сир кўрсатди. Илгари саноат деярли мавжуд бўлмаган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистонда ва бошқа бирқанча республикаларда Совет ҳокимияти йилларида социалистик индустриянинг энг йирик корхоналари — металлургия ва машинасозлик заводлари, кўмир шахталари, конлар вужудга келтирилди. Даштлар, чўллар, тоғ этаклари бўйлаб темир йўллар, автомобиль магистраллари қурилди.

Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида, Закавказьеда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бу республикаларнинг кўплари урушдан илгариги бешйилликлар давридаёқ саноати юксалган ва механикалаштирилган йирик қишлоқ хўжалигига эга бўлган илғор, индустриал-аграр республикаларга айланди. Доқиюнусдан қолган омоч-бўйинтириқлар асосий асбоб деб ҳисобланган ерларда эндиликда кучли тракторлар, ўзиюрар комбайнлар ишламоқда.

Совет юртининг қайси бир ўлкасига назар ташламанг, мамлакатимиздаги халқлардан қайбирининг турмушини кўздан кечирманг, ҳамма ерда ҳам совет халқларининг янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганлигини кўрасиз. Янги, социалистик ҳаёт Закарпат қишлоқларига, Днестрнинг нариги ёғидаги Молдавия деҳқонлари орасига кенг ёйилди, Литва, Латвия, Эстония халқлари дўст совет оиласига кирдилар. Украина, Белоруссия халқлари ўзларининг ягона давлатларига бирлашдилар. Янги иттифоқчи республикалар қардош совет халқлари ёрдами блан қисқа вақт ичида индустрлаштириш йўлидан олға катта қадам қўйдилар, майда деҳқон хўжаликларини колхозлар йўлига туширдилар.

Совет халқлари маданий қурилиш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Ма'лумки, ҳозирги вақтда СССР составида бўлган кўп халқларнинг маданий савияси илгари жуда қолоқ эди. Бу халқларнинг кўплари ҳатто ўз ёзувига эга эмасди. Эндиликда Совет Иттифоқидаги барча халқлар ўзларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятларини муваффақиятли суратда барпо қилмоқдалар. Совет тузуми шароитида 48 миллат ўз ёзувига эга бўлди. Ўқиш ишлари она тилида олиб борилмаган жойларда кўп мактаблар ташкил этилди, ҳамманинг фан, маданиятни эгаллаши учун кенг йўл очиб берилди.

СССР халқлари мустаҳкам ҳамкорликда бир-бирларига ёрдам бериб, коммунизмнинг моддий-ишлабчиқариш базасини вужудга келтирмоқдалар. Волга, Кама, Ангарадаги электростанцияларни рус халқи блан бирга Совет Иттифоқининг барча халқлари ҳам қурмоқдалар. Қозоғистон меҳнаткашлари жуда катта қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, дон экмоқдалар. Ана шу буюк ишда бошқа халқлар қолоқ халқига ёрдам бермоқдалар.

Совет республикалари экономикаси ва маданиятининг мавж уриб ўсганлиги халқлар ҳуқуқий тенглиги ва дўстлиги идеологиясининг, пролетар интернационализми идеологиясининг галаба қилганлигини исбот этади. Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати совет мамлакатидаги турли халқлар ўртасидаги муносабатларни социалистик интернационализм принципларига асослаб қуриш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Совет жамиятида бир халқнинг бошқа халққа нисбатан кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлиши мумкин эмас. Озод халқларнинг бири ўзига ўхшаш озод бўлган бошқа бир халқни эзолмайди. Бундай эзиш совет тузумининг бутун негизига, бутун моҳиятига зид бўлур эди. Бизнинг партиямиз меҳнаткашларни доим халқларнинг бир-бирларига зўр э'тибор блан ўртоқларча муносабатда бўлишлари руҳида тарбиялаб келди. Улуғ Ленин илгари миллий ҳуқуқсизлик ва миллий зулмни бошидан кечирган халқларга нисбатан э'тиборсиз ва бепаролик блан қарашга сра йўл қўйиш мумкин эмас, деб та'лим берди. Совет тузуми шароитида ҳарбир миллат, ҳарбир кичик халқ сра ҳам камситилиши мумкин эмас. Совет мамлакатидаги ҳарбир миллат, ҳарбир халқ ўзининг ижодий кучларини, қобилият ва талантларини тамомила рўёбга чиқариш учун барча имкониятларга эгадир.

Коммунистик партия совет ишчилар синфининг интернационалистик бурчларини доим тушинтириб келди, миллий муносабатларга доир масалаларни доимо блан ҳал этишга ўргатди, эски, помешчик-буржуа Россиясида эксплуататор синфлар ва уларнинг партиялари томонидан авж олдирилган улуғ давлат шовинизмини ва маҳаллий миллатчиликни фош қилди ҳамда тор-мор келтирди. Партия миллий масалада ҳарқандай бузиш ва огмачиликларга ҳам қарши қат'ий кураш олиб борди. «ВКП(б) тарихи қисқа курси»да бундай дейилади: «Биз, ҳамма ва ҳарқандай тусдаги миллатчи-огмачиларни янчиб ташлаганимизда халқни интернационализм руҳида тарбиялайолмаган бўлар эдик, СССР халқларининг улуғ дўстлик байроғини сақлаб қололмаган бўлар эдик. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини қуролмаган бўлар эдик» (443 бет).

Буржуа миллатчилигининг ҳарқандай кўринишларига қарши, ленинча интернационализмдан ҳарқандай оғишларга қарши кураш, барча меҳнаткашларни социалистик интернационализм идеологияси руҳида тарбиялаш ҳозирги вақтда ҳам партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Буюк социал-иқтисодий ўзгаришлар жамиятимизнинг ҳаётини тамомила ўзгартириб юборди. Ана шу ўзгаришлар давомида бизнинг мамлакатимизда эски, буржуа миллатлар ўрнига янги, социалистик миллатлар таркиб топди ва мустаҳкамланди. Бошқа халқларни қуллиққа солиш идеологияси, миллий адоват, душманлик ана шу социалистик миллатларга ётдир. Бирлик, тинчлик, дўстлик социалистик миллатларнинг байроғига ёзилган. Социалистик миллатлар интернационализм идеяларининг изчил ифодачисидир.

Буржуазия миллатлар ўртасидаги кураш тарихнинг «бартараф қилиб бўлмайдиган» қонуни деб доимо да'во қилиб келган эди ва ҳозирда ҳам шундай деб да'во қилмоқда. Хусусий мулкчиликка ва кишининг кини томонидан эзилишига асосланган эксплуататорлик жамиятида миллатлар ўртасида кураш ҳукм суради, чунки капиталистик ишлабчиқариш муносабатлари халқларни бир-биридан ажратиб юборади, халқлар орасига антагонизм уруғларини сочади.

Марксизм-ленинизм фани миллий масала иқтисодий шароитлар блан, ижтимоий тараққиётнинг бутун бериши блан белгиланади, деб та'лим беради. Тарихий тажриба эса бу та'лимотнинг тўғри эканлигини исбот қилади. Социалистик жамият шароитида меҳнаткашларнинг умумий ва миллий вазифаларини ҳамда манфаатларини бирга кўшиб олиб бориш асосида халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш учун барча имкониятлар вужудга келтирилди. В. И. Ленин 1914 йилдаёқ бундай деб ёзган эди: «Великороссслар миллий иқтихорининг манфаати блан (лекин, малайларча тушунилган миллий иқтихор манфаати эмас) великорус (ва бошқа ҳамма) пролетарларнинг социалистик манфаати бир-бирига мувофиқ келади» (Асарлар, 21 том, 101 бет).

СССРда социал душманлик ҳам, миллий душманлик ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Ишлабчиқариш воситаларига социалистик мулкчилик ҳукмронлигига асосланган янги ижтимоий тузум барча ирқ ва миллатларга мансуб бўлган меҳнаткашларни ягона умумий мақсад, я'ни коммунизм қуриш йўлида бирлаштиради, жипслаштиради ва дўстона ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади.

Ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқи, ишчилар синфининг ва унинг социалистик интернационализм позициясида турган партиясининг раҳбарлик роли мамлакатимизнинг халқларини кўп миллатли ягона давлатга бирлаштиришга ёрдам берган ҳал қилучи куч бўлди.

Совет жамияти шароитида социалистик интернационализм, ўз Ватанига муҳаббат совет ватанпарварлиги туйғулари блан қўшилиб кетади. Совет кишилари ўз Ватанларини самимий муҳаббат блан севадилар. Совет кишиларининг бу Ватанни севишларига сабаб шуки, бу Ватан социализм биринчи марта галаба қилган мам-

Коллектив шартномаларнинг бажарилишига эришайлик

«Чирчиксельмаш» заводи касаба союз комитети, завод ма'мурияти давлат планини бажаришга, меҳнаткашларнинг моддий ва маиший аҳволини яхшилашга, маданий савиясини оширишга қаратилган иккиёқлама шартномаларни ҳар йили тузадилар. Июль ва август ойларида коллектив шартномаларнинг шу йилнинг биринчи ярмида бажарилиши текширилди. Текшириш натижалари коллектив шартномадаги кўпчилик моддаларнинг бажарилганлигини кўрсатди.

Заводда биринчи ярим йилда катта тадбирлар амалга оширилди. Ишлабчиқариш қувватини ошириш учун тобланадиган чўян цехида детальларни формовка қиладиган иккинчи конвейер ишга туширилди, печьларнинг блоклари қайта ускуналанди. 6-нчи цехда запас қисмларни тайёрлаш бўйича узлуксиз линиялар ишга солинди. «НКУ—2,4—2,7» маркали машиналар учун иш органларини ёпиқ цикл бўйича тайёрлаш ташкил қилинди. Натижада бу детальларни ишлаб чиқариш 4,5 марта кўпайди. Кўрак йиғадиган «СКН—4» маркали машиналарни тайёрлаш бўйича 3-нчи йиғиш цехи тўла-тўкис қайта ускуналанди. Яқинда 2-нчи цехда бўяш ва қуритиш агрегати ишга туширилади.

Меҳнат ва техника хавфсизлигини та'минлаш бўйича ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди. 6-нчи цехда янги ҳоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Завод души ускуналанди ва ҳоказо.

Ишчи ва хизматчиларнинг маданий ва маиший даражаларини яхшилаш соҳасида бир талай ишлар қилинди. Биринчи ярим йил ичида ишчиларга санатория ва дам олиш уйларига 165 путёвка, бир кунлик дам олиш уйига 300 путевка берилди. Ишчиларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу мақсадда пландаги 12 минг сўм ўрнига 14.250 сўм пул берилди. 749 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу эса пландагидан 190 квадрат метр зиёдир. Индивидуаль тарзда уй-жой қурувчиларга 61 минг сўм қарз берилди. Қурилиш ишлари учун 106 кубометр ёғоч, 15 тонна туника ва бошқа материаллар сарфланди.

Бироқ шунга қарамай, коллектив шартноманинг бирқатор асосий ва муҳим моддалари бажарилмади. Биринчи ярим йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 1,7 процент, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани — 72,1 процент бажарилди, меҳнат унумдорлиги эса 93 процентда қолди. Завод давлатга пландагидан 18 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари «НКУ—2,4—2,7» маркали 1700 дона культиватор, «СКН-4» маркали 300 та кўрак териш машинаси, кўплаб тирқатич ва 250 минг сўмлик запас қисмларни кам берди. Белгиланган 11 та ташкилий-техника тадбирларидан фақат 7 таси бажарилди.

Заводда рационализаторлар билан етарли иш олиб борилмайди. Рационализаторлардан тушган 177 таклифдан фақат 49 таси жорий қилинган.

Заводда давлат планининг бажарилмаслиги натижасида иш ҳақи фонди ортиқча харажат қилинган. Бу соҳада 3—5—6-нчи цехларда айниқса аҳвол ёмон. Масалан, ўртоқ Беляев бошлиқ 3-нчи цехда июнь ойи плани 14 процент бажарилгани ҳолда, иш ҳақи 240 минг сўм ортиқча харажат қилинган. Ортиқча харажатлар содир бўлишига планнинг бажарилмаслиги, брак маҳсулотларни қайталаш ишлаш учун ҳақ тўланганлиги сабаб бўлмоқда. Заводнинг бир ме'ёрда ишламаслиги натижасида брак маҳсулотларни қайтадан ишлаш учун июнь ойининг ўзидагина 190 минг сўм маблағ харажат қилинган. Ўртоқ Ленилин бошлиқ бўлган қуюв цехида бракни тузатиш учун ҳар ойда 30 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланмоқда.

Коллектив шартнома бўйича техника жиҳатидан асосланган 60 норма бўлиши кўзда тутилган эди, амалда эса унинг фақат 18 процента бор. Ўртоқ Степанов бошлиқ 2-нчи цехда ва ўртоқ Ленилин бошлиқ цехда ҳозиргача нормативлар кўриб чиқилмаган.

Малажали ишчилар тайёрлаш бўйича коллектив шартномада кўрсатилган тадбирлар етарли бажарилмаётир. 1955 йилнинг биринчи ярим йилида ишчиларнинг малакасини ошириш топшириғи 98 процент бажарилди. Шунингдек, шартномадаги меҳнат ва техника хавфсизлигини та'миналаш тадбири ҳам тўла амалга оширилаётгани йўқ. 1955 йилнинг ўтган даврида бу соҳада 24 тадбир ўрнига фақат 5 тадбир адо этилган, холос. Бу мақсадлар учун ажратилган 360 минг сўм маблағнинг фақат 127 минг сўми ёки 42 процента харажат қилинган. Бундан ташқари ба'зан меҳнат отпускалари ҳам ўз вақтида берилмайди. Заводнинг та'минот бўлими (бошлиғи ўртоқ Стергин) мутлақо қониқарсиз ишламоқда. Шу сабабли ишчилар махсус кийимлар билан ўз вақтида ва етарли та'миналанмайди. Масалан, қуюв, темирчилик-пресслаш цехларининг ишчилари махсус кийим ва пойафзал билан фақат 50 процент та'миналанадилар.

Коллектив шартноманинг бундай қониқарсиз бажарилишига кўп жиҳатдан завод касаба союз комитети ва партия ташкилоти ҳам айбдор. Касаба союз комитети (раиси ўртоқ Соболь) ва цех комитетлари коллектив шартноманинг бажарилиши устидан етарли контроллик қилмадилар. Бунинг учун коллектив шартномада кўрсатилган тадбирларнинг бажарилиши ҳақидаги масаланинг биронта цех касаба союз йиғилишида муҳокама қилинмаганлигини кўрсатиб ўтиш кифоя. Партия бюроси ва цех партия ташкилотлари ҳам бу масала билан яқиндан шуғулланмаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми машиналар чиқаришни кўпайтириш юзасидан машинасозлар олдига катта вазифалар қўйди. «Чирчиксельмаш» заводи коллективи бу йил мамлакатимиз пахта далаларида ишлайдиган машиналар ишлаб чиқаришни 2,5 марта кўпайтириши керак.

Коллектив шартноманинг бажарилиши устидан қат'ий контроль қилиб туриш ҳамда шартномада кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш учун «Чирчиксельмаш» заводи ма'мурияти, партия, касаба союз комитетлари бутун куч ва барча имкониятларни сафарбар этишлари зарур.

П. АБЛАМОНОВ.

Колхоз қишлоғи обод бўлмоқда

Октябрь районидаги Каганович номли колхоз қишлоғи йилдан-йилга обод бўлмоқда.

Колхознинг 4 километр узунликдаги йўли асфальтлаштирилди. Бу йўлнинг икки чеккасига кейинги 2—3 йил ичида колхозчилар учун 66 та типовой уй қуриб берилди.

Колхоз правлениеси (раиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Х. Турсунқулов) колхоз қишлоғини янада обод ва кўркамлаштириш тадбирларини кўрмоқда. Бу йил қурилиш ишлари учун колхознинг бўлинмас фондидан ярим миллион сўм пул ажратилган. Қишлоқ марказида янги типда сельмаг биноси, нонвойхона, сартарошхона, фонтан ҳамда колхозчилар учун қурилган 8 та типовой уй-жой биноси фойдаланишга топширилди.

Д. СОДИҚОВ.

СоюзНИХИ ўсимликларни сақлаш марказий станциясида ўсимлик зараркунандаларига қарши курашда турли дорилар синаб кўрилмоқда. Суратда: илмий ходим ўртоқ К. Проценко ўргумчакканага қарши ишлатиладиган дори та'сирини текширмоқда.

Б. Мазур фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Янги қурилишлар

Чирчиқ бинокорлари яқинда «Чирчиксельмаш» заводининг машинасозлари учун янги уй-жой бинолари қуриб бердилар.

Корхона биринчи цехининг мастери Киякин, аккумуляторлик цехи илғор комсомолёшлар бригадасининг бошлиғи Галимов, иккинчи цехнинг новатор токари Иброҳимов, мастер Филимонов ва бошқа ўртоқлар оилалари билан янги уйларга кўчиб кирдилар.

Шаҳар қурувчилари самарали меҳнат қилаётган кишиларга янги бинолар қуриш учун ўзаро социалистик мусобақани қизғин авж олдириб юборганлар. Машинасозлар учун қурилган уй-жойлар фойдаланишга топширилиши блоқ яна икки бино қурилиши бошлаб юборилди. Ўртоқ Қодиров бошчилигидаги комплекс бригада а'золари биноларни тез, арзон ва сифатли қуриш учун бутун ички резервларни ишга солаётирлар.

Чирчиқ бинокорлари бешйилликлар даврида вужудга келтирилган химиклар, машинасозлар, энергетиклар шаҳрини гуллаб-яшнатиш ҳамда партия XX с'ездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил ишламоқдалар.

* * *

Верхне-волинск районидаги Жданов номли колхоз правлениеси маданий қурилишларга катта э'тибор бераётир. Колхозда 50 дан ортиқ уй-жой, 3 километрли тош йўл, 2 катта кўприк, ҳашаматли кутубхона, правление учун бино, 6 хонали омбор ва тегирмон қуриб битказилди.

Шунингдек, электростанция, радиоузел қурилишига ҳам киришилди. Ўрта мактаб биноси, ҳаммом ясли учун 8 хонали бино қуриш планлаштирилди, далачилик бригадалари ва бошқа жойларни телефонлаштириш тезлаштирилмоқда.

С. РАВШАНОВ.

ЖАМОАТ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚНИ СУЗСИЗ БАЖАРАЙЛИК!

Аҳолига мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб берамиз

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қароридан илҳомланган Калинин район колхозчилари чорвачиликни янада ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан бирмунча тадбирларни амалга ошираётирлар. Натижада колхозларимиз давлатга ва шаҳар меҳнаткашларига бу йил ҳар йилдагидан кўра кўп миқдорда гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришга эришмоқдалар.

Бунинг сабаби шуки, колхозларимиз жамоат чорва молларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирдилар. Уларнинг сонини кўпайтириш ва сифатини яхшиланга алоҳида э'тибор берилмоқда. Бу йил қўй, эчки, чўчқа ва паррандачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган давлат плани ортиғи билан бажарилди. Сигирлар сони ўтган йилга қараганда 177 бошга кўпайиб, ҳозир 937 бошга етди. Сигирларнинг зоти яхшиланди, қўлда боқилаётган сигирлар алатав, щвиц, остфриз каби зотли сигирлар ҳисобига кўпайтирилаётир. Колхозларда сигирларни боқиш анча яхши йўлга қўйилганлиги учун уларнинг сути тобора кўпаймоқда. Районимиз колхоз фермаларида 31 августгача 1400 тоннача сут сғиб олиниб, йиллик план муддатидан олдин бажарилди. Бу йил сут топшириш 1954 йилга нисбатан 503 тонна кўп. Колхозларимиз давлатга сут топшириш мажбуриятини ошириб бажариш билан бирга ўз аъзолари орқали шаҳар аҳолисига 719 тонна сут ва сут маҳсулоти сотдилар.

Чорвадорларимиз КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қароридан тегишли хулоса чиқариб, 1 октябрьгача пландан ташқари яна 250 тонна сут тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Райондаги Ворошилов номли, Сталин номли, Каганович номли, Охунбобоев номли, «Октябрь самараси» ва «Шарқ ҳақиқати» колхозлари сигирлар маҳсулотини кўпайтиришда айниқса яхши натижаларга эришдилар. Ворошилов номли колхозда 126 бош сигирнинг ҳарбиридан 10 ойда 2215 литр, Сталин номли колхозда 2490 литрдан сут сғилди. Бу — ўтган йилги нисбатан 30—40 процент ортиқдир.

Илғор сут сғувчиларимиз янада юксак кўрсаткичларга эришдилар. Сталин номли колхознинг сут сғувчиси ўртоқ Ҳикоят Абдуллаева ўзига биркитилган 13 бош сигирнинг ҳарбиридан ўрта ҳисобда 3253 литрдан сут сғиб олди. Унинг «Ракушка» деган сигири 5775 литр, «Юлдуз» деган сигири 4508 литр сут берди. Шу колхознинг сут сғувчиси ўртоқ Назми Муҳитова ҳам ўзига биркитилган 12 сигирнинг ҳарбиридан 2796 литрдан сут сғиб олишга эришди. Унинг «Много» деган сигири ҳатто 4890 литр сут берган.

Ворошилов номли колхознинг сут сғувчилари Бўри Исҳоқова, Рихси Расулева ўртоқлар ҳам ҳарбир сигирдан олиниган сут миқдорини 3000 литрдан ҳам ортдириб юборилар. Каганович номли, «Октябрь самараси» ва бошқа колхозларда илғор чорвадорлар ҳам яхши натижаларга эришаётирлар.

Чорвачиликда илғор зоотехника талабларига қат'ий риоя қилиш натижасида колхозларимиз анча юқори кўрсаткичларга эришдилар. Лекин биз шу ишлар билан қаноатланиб қолмаймиз. Партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқларини бажариш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Жумладан, чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак ва моддий-техника базаси яратишимиз зарур.

Бу йил район колхозлари мол озиқаси учун пландаги 160 гектар ўрнига, ҳарбир сигирга 6,5—7 тоннадан силос тайёрлашни мўлжаллаб, 627 гектар ерга маккажўхори, 203 гектар ерга хашаки лавлаги экдилар. Бу йил 10 минг тонна силос, 24000 тонна пичан-беда, 6000 тонна хашаки лавлаги тайёрланади. Район колхозлари беда экиш планини ортиғи билан бажардилар. 1585 гектар ердаги эски бедалар 3—4 марта ўрилмоқда. Генерал Раҳимов номли, «Октябрь самараси», Ворошилов номли колхозлар ҳар гектар ердан 95—100 центнердан беда ўриб олдилар.

Шу кунларда ҳамма колхозларимизда силос бостириш қизғин равишда олиб борилмоқда. Ворошилов номли колхоз (раиси ўртоқ Руҳоммаҳмуд Абдуллаев) ҳар гектар ерда 50 тоннадан жўхори етиштирилиб, ҳозирданоқ 800 тонна пея ва 100 тонна сота силос қилинди. Бу колхоз а'золари пландаги 1300 тонна ўрнига 1500 тонна силос босиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Сталин номли, Генерал Раҳимов номли, «Октябрь самараси», «Победа», «Октябрь» колхозларида ҳам силос бостириш жадаллаштириб юборилди.

Район колхозларида кейинги 2 йил ичида 9 та сигирхона, 4 та бузоқхона, 5 та чўчқахона, 12 та қўйхона, 5 та паррандахона қурилди. Бу йил ҳам кўпгина колхозларда чорва бинолари қурилаётир, эски бинолар ремонт қилинмоқда.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда ҳали бирмунча камчиликларимиз бор. Масалан, Маленков номли колхозда (раиси ўртоқ М. Ғаниев), Охунбобоев номли колхозда (раиси ўртоқ Т. Расулев) беда парвариши яхши йўлга қўйилмаган, унинг ҳосили жуда кам.

Кўпгина колхозларда чорвачиликдаги асосий ишлар етарли равишда машиналаштирилмаган. Бунга қисман МТС айбдор бўлса, иккинчидан, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳам яхши ёрдам бермаётир.

Биз жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан берилган топшириқни муддатидан илгари ошириб бажариш, аҳолига мўл-кўл чорва маҳсулотлари ва саноатга етарли миқдорда хомашё етказиб бериш учун бутун чораларни кўрамиз.

Қ. ГАФУРОВ,
Калинин район ижроия комитетининг раиси.

Қорасув районидаги паррандачиликинкубатор станцияси йиллик планни муддатидан олдин бажарди. Ҳозир станцияда 15 минг наслдор товуқ, ўрдак, ғоз, курка боқилмоқда. Суратда: боқилаётган ўрдаклар ховузда сузмоқда.

Р. Исаев фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Силос тайёрлаш планининг бажарилиши хавф остида

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорида қишлоқ хўжалигининг асосий тормоқларидан бири бўлган чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари белгилаб берилди. Шунингдек, маккажўхори ҳосилидан, турли ҳил ширали ўсимликлардан кўплаб силос тайёрлашга катта э'тибор берилиши лозимлиги алоҳида кўрсатиб берилди. Ана шунга амал қилган областимизнинг илғор колхоз ва совхозларида чорва қишлови учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш, кўплаб силос тайёрлаш мақсадида филокорона меҳнат қилиниб, юксак натижаларга эришилаётир.

Лекин, областимизнинг Верхне-волинск, Мирзачўл районлари колхозларида бу соҳага етарли э'тибор берилмаётир. Район раҳбарлари силослашга иккинчи даражали иш, деб қарамоқдалар. Улар колхозларда бу муҳим вазифанинг бажарилиши устидан тўғри контроллик қилмаётирлар.

Верхне-волинск райони колхозларида (район партия комитетининг секретари Ражабов, ижроия комитетининг раиси Расулев ўртоқлар) бу йил белгиланган план бўйича 7000 тонна силос тайёрланиши лозим бўлгани ҳолда етарли ишчи кучлари, транспорт ажратилмаган. Траншеялар қазиш ишлари талабга мутлақо жавоб бераолмайди. Сиз агар колхоз раҳбарлари билан бу ҳақда суҳбатлашиб қолсангиз, улар: «гўза парваришидан қўлимиз бўшамаяпти» деган нотўғри жавобни берадилар.

Район раҳбарлари «силос тайёрлашда олдинда бораяпти» деб мақтаган «Красний Октябрь» колхозида 1126 тонна ўрнига эндигина 270 тонна, «Победа» колхозида 1174 ўрнига 200 тонна силос бостирилган, холос. Райондаги Андреев номли, Свердлов номли, Калинин номли, Шверник номли колхозларнинг раҳбарлари эса бу ҳақда ҳали ўйлаб ҳам кўрган эмаслар. Бу колхозларда пешона тери билан етиштирилган жўхори поялари сарғайиб, қуриб кетаётганлиги, ўз вақтидан ўтган жўхори ҳосилидан силос бостириш мумкин эмаслигига қарамай, шу кунгача бирор тонна ҳам силос тайёрлангани йўқ. Ана шунинг натижасида район бўйича силос тайёрлаш плани эндигина 21 процент бажарилди, холос.

Райондаги 2-нчи МТСнинг директорлик вазифасида вақтинча ишлаб турган баш агрономи ўртоқ А. Бораев бу соҳада йўл қўйилаётган нуқсонларни хас-пўшлаб ўтиш мақсадида «бизда силос қирқиш машинаси биттагина, етказаолмаяпмиз» деб важ қилади-ю, ички резервлардан фойдаланиш ҳақида бош қотиришни истамайди.

Ваҳоланки, бу ишга интилиш ва ҳоҳиш бўлган районларгаги колхозларда механик подборщиклларга уч панжали пичоқлар ўрнатиш орқали СХМ—48 маркали пахта териш машиналаридан фойдаланиб, юксак кўрсаткичларга эришилмоқда.

Ўртоқ А. Бораев баҳоналар ахтариш ўрнига ана шу илғор районлар тажрибасидан ўрганиши ва шу орқали колхозларда силослаш ишларини жадаллаштириб юборишга ҳаракат қилиши керак эди.

Ана шундай нуқсон ва камчиликларни Мирзачўл районидаги қатор колхозларда ҳам учратиш мумкин. Бу колхозларда силос бостириш учун зарур бўлган траншеяларни тайёрлаш ишига тўғаётган даражада совуққонлик билан қараб келинмоқда. Райондаги донгдор «Октябрь» колхозида 32 ўрнига эндигина 8 та, Ворошилов номли колхозда 21 ўрнига 4 та, «Коммунизм» колхозида эса 22 ўрнига 5 тагина траншея тайёрланган, холос. Шунинг ўзидан бу колхозлардаги раҳбарларнинг силос бостириш ишларига панжа орасидан қараб келаётганликлари, уларнинг ўз мас'улиятларини унутиб қўйганликлари кўриниб турипти.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари Василий Павлович Ким: «бу колхозлар илғор колхозлар, ҳали вақт эртта, етишиб олади» дейди. Афсуски у, вақт ўтиб кетаётганлигини, ер қуруқлигида, кун иссиқлигида қилинмаган ишга қор ёғишини англашни истамайди.

Райондаги бошқа қатор колхозларда ҳам силослаш талабга мутлақо жавоб бераолмайди. Ишнинг тўғри ташкил қилинмаганлиги, етарли куч ажратилмаганлиги, транспортларнинг жўхори поялари ва бошқа ўсимликларни траншеяларга ўз вақтида етказиб бераолмаётганлиги сабабли Будённий номли колхозда 770 ўрнига 132, Каганович номли колхозда 497 ўрнига 100 тонна силос бостирилган, холос.

Ҳар икки район раҳбарлари ҳам агар шу йўл билан давом этаберилган бўлса силос тайёрлаш планини бажариш, сигирлардан кўплаб сут маҳсулоти олиш мумкин эмаслигини тушуниб қўйишлари ва бу соҳада колхозларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўришлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Чорвачилик фермалари учун янги кўчма мастерскойлар

Молотов номли Горький автозаводида чорвачилик фермаларини механизациялаштириш учун янги кўчма автомастерской ишлаб чиқарилди. Бу мастерскойлар станок, ҳархил аппаратлар ва асбоблар билан ускуналанган.

Мастерской механиги слесарлик, пармалаш, сварка ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажараверади. Областимиз МТС лари учун мастерскойлардан 4 таси олинди. Бўлар Оржоникидзе, Калинин ва Янгийўл районидаги МТСларга юборилди. Янги мастерскойлар чорвачилик фермаларидаги қўл кучи билан қилинадиган ишларни енгилаштиришга катта ёрдам беради.

Сут топшириш йиллик плани ошириб бажарилди

ЯНГИБОЗОР, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Юқоричирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг чорвадорлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорини бажариш учун курашиб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда самарали натижаларга эришмоқдалар. Колхозда қўлда боқилаётган 91 сигирнинг яхши парвариш қилиниши натижасида ҳарбир сигирдан ўрта ҳисоб билан 1129 килограммдан сут сғиб олиниб, йиллик план муддатидан илгари адо этилди. Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси ўртоқ Б. Кузнецова ўзига биркитилган сигирлардан 1900 килограммдан сут сғиб олди.

Колхоз сут топширишни яхши ташкил қилиб, давлат мажбуриятини ҳам ошириб бажарди. «Коммунизм», «Правда», «Политотдел», «Ленинизм» ва Сталин номли колхозлар ҳам давлатга сут топшириш йиллик планини тўла бажардилар.

Чорва маҳсулдорлигини ошириш учун

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоз а'золари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари асосида чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун бирқанча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу йил колхозда 43 сигир қўлда боқишга кўчирилди. Яхши парвариш қилинаётган сигирларнинг ҳарбири ҳозир кунига 10—12 литрдан сут бермоқда. Колхознинг илғор сут сғувчиси ўртоқ Мария Кулагина ўзига биркитилган 12 сигирнинг ҳарбиридан шу кунгача ўрта ҳисобда 900 литрдан сут сғиб олишга эришди.

Колхозчилар чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратмоқдалар. Бунинг учун алоҳида бригадалар тузилиб, улар ем-хашак ва ширали озуқалар тўплашда намунали иш олиб бораётирлар. Колхознинг 200 гектар ерлари бедаси уч марта ўриб олинди.

Ҳозир колхозда силос бостирилаётган 4 траншея қурилиб битказилди. Бу траншеяларга 650 тонна силос бостирилади.

Х. САГИЗОВ.

Кўплаб силос бостирилмоқда

Оҳангарон районидаги Каганович номли колхоз чорвадорлари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, чорва қишлови учун озиқа жамғариш, жумладан, силос бостириш ишларини қизитиб юборишдилар. Колхоз чорвадорлари қўлда боқилаётган 150 бош сигир учун 2,5 минг тонна силос бостириш ва бу ишни тез тугаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

Маккажўхори етиштиришда бригада бошлиқларидан ўртоқ Т. Ортиқов яхши натижаларга эришди. У ўз бригадасида 34 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнер маккажўхорипоя ва 15 центнердан сўта ҳосил олди.

Ўртоқ Қ. Жуманов бошлиқ бригада а'золари ҳам маккажўхорини яхши парвариш қилиб, 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнер поя ва 10 центнердан сўта етиштириш учун курашаётирлар.

Маккажўхори поя ва қамиш ўришда меҳнат тўғри ташкил этилди. Шунинг учун бу ишда ишлаётган 40 колхозчининг ҳамаси кундалик нормани ошириб бажармоқда.

Силосорезкада машинистлик қилаётган трактерчи ўртоқ М. Рўзиев машинанинг тўхтовсиз ишлашини та'миналаб, 30 кунда 964 тонна силос қирқиб берди. Т. Ортиқов ва Н. Умаров ўртоқлар ҳам шу даврда берилган топшириқни ошириб бажардилар.

Колхоз чорвадорлари социалистик мусобақани янада кучайтириб, силос бостириш ишини давом этдирмоқдалар. Улар ҳозир яна 270 метрли иккинчи навбатдаги 3 та траншеяни қуриш ишларини жадаллаштириб юборишдилар. Умуман колхозда яқин кунларда яна 900 тонна силос бостирилади.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

лажатдир, Совет давлатида социал ва миллий зулмга, халқлар ўртасидаги душманлик ва ишончсизликка абадий ҳотима берилган. Совет қишлари янги, социалистик ҳаётнинг пионерлари бўлишдек буюк шарафга муяссар бўлдилар. Ҳарқандай миллий жабр, ўзига зеб бериш, ўзини баланд олиш, совет ватанпарварлигига ётдир. И. В. Сталин, совет ватанпарварлиги ирқий ёки миллатчилик ҳурофотларига эмас, балки халқнинг ўз Совет Ватанига самимий садоқати ва вафодорлигига, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларнинг бирдамлигига асосланади, совет ватанпарварлигида халқларнинг миллий традициялари СССРдаги барча меҳнаткашларнинг умумий қаётий манфаатлари билан гармоник равишда қўшилиб кетади, деди. Бошқа сўзлар билан айтганда, совет ватанпарварлиги социалистик интернационализм билан чамбарчас боғлангандир. Бунинг ма'носи шуки, чинакам совет ватанпарвари ўз Ватанини севади ва халқларга, уларнинг маданиятига, бошқа мамлакатларнинг турмуши ,миллий традицияларига зўр ҳурмат билан қарайди.

Социалистик интернационализм идеологиясининг улуғ ҳаётий кучи СССР ва социалистик лагерьдаги барча мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда жуда яққол кўринмоқда. Бу — муносабатлар халқаро муносабатларнинг тарихда ҳали мисли кўрилмаган янги типидир. Бирбирларини ҳурмат қилиш, ўртоқларча ўзаро ёрдамлашиш, ана шу лагерьдаги давлатларнинг ҳуқуқий тўла тенглигини э'тироф қилиш — ана шу муносабатларга асосдир.

Совет Иттифоқи билан халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар давлатларнинг ҳуқуқий тенглигига асосланади. Бу давлатлар хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги тажрибаларни доим ўртоқлашиб турадилар. Демократик давлатларнинг халқлари СССР нинг социалистик қурилиш соҳасидаги қимматли тажрибаларидан иштиёқ билан фойдаланмоқдалар; совет қишлари халқ хўжалигини бошқариш соҳасида халқ демократияси мамлакатларида бўлган бутун илғорликни, фан, техника, маданият ютуқларини зўр э'тибор билан ўрганиб ўз ишларида тадбиқ қилмоқдалар.

Хитой халқининг йўлбошчиси Мао Цзэ Дун хитой халқи олдида турган ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни та'рифлаб, бундай деган эди: «Биз, буюк миллий қурилишни амалга ошириш ниятидамиз. Биз бажаришимиз лозим бўлган иш қийиндир ва бизнинг тажрибамиз етарли эмас. Шу сабабдан биз Совет Иттифоқининг илғор иш тажрибаларини қунт билан ўрганишимиз керак».

Иқтисодий ҳамкорлик СССР билан халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда жуда катта аҳамиятга эгадир. Демократик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тажрибаси капиталистик мамлакатларнинг биронтаси ҳам халқ-демократик мамлакатларга Совет Иттифоқи сингари ёрдам беролмаслигини кўрсатади. Умумий иқтисодий юксалишга эришиш учун бир-бирларига астойдил ёрдам бериш истаги — ана шу ҳамкорлик учун асосдир.

Совет Иттифоқи Европадаги халқ демократияси мамлакатларининг уруш даврида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашда бу мамлакатларга катта ёрдам берган эди. Совет Иттифоқи саноатнинг етакчи тармоқларида 156 та йирик корхонани қуришда халқ Хитойига ёрдам бермоқда. Кореяда яраш битими тузилган пайтда Совет Иттифоқи Корея Халқ-Демократик Республикасининг халқ хўжалигини тиклаш учун корейс халқига бир миллиард сўмни қайтариб олмаслик шарти билан ҳадия қилди. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

СССР билан социалистик интернационализм принциплари асосига қурилган халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тажрибаси бу муносабатларнинг бузилмас ва мустаҳкам эканлигини, уларнинг тобора мустаҳкамланаётганлигини кўрсатади.

Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги муносабатлар интернационализм принципларига асосланади. Ма'лумки, Совет-Югославия музокаралари натижасида СССР билан Югославия федератив Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларда жуда катта ўзгариш юз берди. Халқ душманлари Берия ва Абакумовнинг провокаторлик ишлари натижасида бирнеча йил мобайнида ҳар иккала мамлакат ўртасида мавжуд бўлган совуққонлик ва душманлик демократия ва социализм душманларигагина, тинчлик душманларигагина қўл келар эди.

СССР меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният Совет-Югославия Декларациясини зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Бу Декларация ҳар иккала халқ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам асосдир. Бу халқлар ўртасидаги дўстлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига эгадир.

Партиямиз томонидан ишлаб чиқилган ва ленинизмнинг мустаҳкам принципларига, катта ва кичик барча мамлакатларнинг суверенитети ҳамда ҳуқуқий тенглигини ҳурмат қилишга асосланган ташқи сиёсий йўл Совет-Югославия музокараларининг боришида ва бу музокараларнинг натижаларида ўзининг ёркин ифодасини топди.

Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик ўрнатишга, барча мамлакатлар билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш — совет ташқи сиёсатига асосдир. Совет давлатининг халқаро муносабатларга доир масалалардаги ана шу бош йўли капитализм билан социализмнинг узоқ вақт ёнма-ён туриб, тотув яшаши мумкинлиги тўғрисидаги, бир-бирига зид бўлган иқтисоий системалар экономика соҳасида тинч мусобақа қилишлиги ҳақидаги ленинча та'лимотдан келиб чиқади.

СССР Олий Совети учинчи сессияси тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева Кенгаши якунлари тўғрисида Н. А. Булганининг доклади юзасидан қабул қилган ўз қарорида СССРнинг тинчликсеварлиқдан иборат ленинча ташқи сиёсати ўзгармас сиёсат эканлигини яна бир марта та'кидлади. СССР Олий Совети ишонч билдириб айтдики, мамлакатларнинг ижтимоий ва сиёсий тузумларидан қат'ий назар, суверен ҳуқуқларни ҳурматлаш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик асосида мамлакатлар ўртасида янада кенгроқ сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилиши халқларнинг манфаатларига мос тушади ва тинчликни, улар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга олиб келади.

Коммунистик партия совет кишиларини интернационализм руҳида ва барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўртасида қардошлик алоқаларини ўрнатиш руҳида, барча халқларнинг суверенитетини, мустақиллигини, ҳуқуқий тенглигини ҳурмат қилиш руҳида, уларнинг ҳамкорлиги руҳида доим тарбиялаб келмоқда.

Б. БАЯНОВ.

ПОЛЬША ҲУКУМАТИНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШ ТУҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

ВАРШАВА, 4 сентябрь. (ТАСС). Бугун марказий газеталар Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг Польша қуролли кучлари сонини камайтириш тўғрисидаги қарорини э'лон қилдилар. 1955 йил 3 сентябрьда қабул қилинган бу қарорда бундай дейилади: Польша Халқ Республикаси ҳукумати тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгаши натижасида халқаро муносабатлардаги кескинлик камайганлигини ҳисобга олиб, шунингдек қуролсизланиш соҳасида сарфланаётган куч ва ғайратга Польша томонидан реал ҳисса қўшишга интилиб, Польша Халқ Республикаси қуролли кучларининг сонини 1955 йил 20 декабрьгача 47 минг солдат ва офицер миқдорида камайтиришга қарор қилди.

Польша қўшинлари сафидан бўшатилган солдат ва офицерлар давлат корхоналарида, саноатда ва қишлоқ хўжалигида иш блан та'минланадилар.

Албания қуролли кучларининг сони камайтирилади

ТИРАНА, 4 сентябрь. (ТАСС). Газеталар Албания Халқ Республикаси Министрлар Советининг қуролли кучлар сонини камайтириш тўғрисидаги қарорини э'лон қилдилар. Қарорда бундай дейилади:

Албания Халқ Республикасининг Министрлар Совети Женева Кенгаши натижасида халқаро кескинлик юмшаганлигини ҳисобга олиб ва халқаро муносабатлардаги кескинликни янада камайтириш ишига, шунингдек давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшишни истаб қарор қилди:

1. Албания Халқ Республикаси қуролли кучларининг сони 1955 йил 31 декабрьгача 9 минг киши миқдорида камайтирилсин.

2. Бу камайтириш натижасида бўшаб қолган маблағлардан халқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун фойдаланилсин.

3. Қуролли кучлардан бўшатилган шахсий состав давлат ва жамоат муассасаларида, корхоналарда ва турли ташкилотларда иш блан та'минлансин.

Руминияда авиация куни

БУХАРЕСТ, 4 сентябрь. (ТАСС). Румин халқи ва унинг қуролли кучлари бугун авиация кунини байрам қилмоқдалар. Бухарестдаги Бэнэс аэродромида ҳаво паради бўлди. Учиш майдонини пойтахт ва атроф қишлоқлар меҳнаткашларидан бирнеча ўнминг киши ярим халқа шаклида ўраб олди. Байрамга келганлар орасида министрлар совети раисининг биринчи ўринбосари А. Могиорош, Руминия Ишчи партияси Марказий комитети сиёсий бюросининг а'зоси К. Пирвулеску, Руминия Ишчи партияси Марказий комитетининг секретари Я. Фазекаш, қуролли кучлар министрининг биринчи ўринбосари генерал-полковник Л. Сэлэжан ва бошқа расмий шахслар, шунингдек СССРнинг Руминиядаги элчиси А. А. Епишев, четэл элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари, ҳарбий ва ҳарбий-ҳаво атташелари ҳам бор эди.

Парадни байроқдор самолётлар бошлаб берди. Бу самолётларда Руминия Халқ Республикаси ва СССРнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Булардан кейин учиб ўтган самолётлар группаси кўмкўк тиниқ осмонда юлдуз шаклини ва «Паче» («Тинчлик») деган сўзни ташкил қилдилар.

Сўнгра ҳаво спортчилари ўзларининг учиш маҳоратларини намойиш қилабошладилар. Улар ўзлари учиб келаётган самолётларда олий пилотаж фигураларини бажардилар. Уларнинг кетидан планерчилар ва авиамодельчилар ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Тамошабинлар ҳарбий ҳаво кучларининг учучилари томонидан реактив самолётларда кўрсатилган олий пилотаж намуналарини қойил бўлиб тамоша қилдилар. Байрам охирида оммавий парашют десанти туширилди.

Совет қишлоқ хўжалик делегацияси Қанадада

ЧЭТХЭМ (Онтарио вилояти), 3 сентябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет қишлоқ хўжалик делегациясининг а'золари кеча Чэтхэм шаҳри яқинидаги Лоуренс Керрнинг фермасига бориб, далаларни, машиналарни ва молхоналарни кўрдилар. Тушдан кейин делегатлар буғдой, маккажўхори ва сабзавот экинларининг маҳаллий агротехникасига доир масалаларни фермер, агрономлар ва тажриба станцияси ходимлари блан бирга муҳокама қилдилар.

Шу блан бир вақтда делегатларнинг бошқа бир группаси Эрайн Уорвикнинг маккажўхори гибрид уруғликларини етиштириб дераётган уруғчилик фермасига борди. Ферма эгаси делегацияни очиқ юз блан кутиб олиб, унга ўз хўжалигини, гибрид уруғликлар етиштирилаётган участкаларни, шунингдек селекция учун экилган маккажўхориларни кўрсатди. Уорвик профессор Соколов блан хайрлашатуриб, унга бутун делегация учун атаб ёзилган хатни топширди. Хатда, жумладан, бундай дейилади: «Қишлоқ хўжалик министрлиги сизларнинг маршрутингизга менинг фермамни келиб кўришни қўшиб қўйганлигини ўзим учун шараф деб биламан ва бир-биримизга мана шундай бориб-келиб туриш қишлоқ хўжалигини яхшилашга ёрдам беради, деб ишонаман».



Корея Халқ-Демократик Республикаси. Суратда: Ренанри қишлоғидаги Синчен уезди қишлоқ хўжалик кооперативи далаларида.

Пресс фотоси.
(КХДР фото агентлиги).

Япония парламент делегациясининг матбуот конференцияси

Москвага келган Япония парламент делегацияси 3 сентябрьда совет ва четэл матбуоти вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказди. СССР Олий Совети Президиуми канцеляриясининг бошлиғи Н. К. Козлов матбуот конференциясида тўпланганларга, Япония парламент делегациясининг бошлиқлари Токутаро Китамура ва Масару Номидзо делегациянинг Совет Иттифоқига келганлиги муносабати блан байнот текстини ўқиб беришни истайдилар.

Сўнгра Токутаро Китамура шу баёнот текстини ўқиб берди:

«9 февральда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети бутун дунёда тинчликни сақлаш ва та'минлаш манфаатларини кўзлаб, турли мамлакатлар блан парламент делегацияларини айирбошлашни таклиф қилди.

Шу таклифга биноан, биз, Япония парламентининг вакиллари, Олий Совет Раислари Волков жанобларининг ва Лацис жанобларининг таклифи блан сизларнинг мамлакатингизга келишга қарор қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган шароитда бизнинг бу мамлакатга келишимиз тарихий аҳамиятга эга бўлган воқиадир.

Бизга қўшни мамлакат бўлган Хитой Халқ Республикасида бизни самимий кутиб олдилар. Чегарадан ўтиб сизнинг мамлакатингизга киришимиз блан бизни, Москвага етиб келгунимизча қаерда тўхтасак ҳамма жойда ҳам раҳбарлар ва халқ хурсандлик блан кутиб олавердилар. Делегация бундай дўстонавор кутиб олинганлиги учун чуқур ташаккур билдиради.

Халқаро кескинлик яқинда юмшаганлигини назарда тутиб, биз сизларнинг мамлакатингизга ҳамжиҳатликни ва дўстликни ривожлантириш мақсадида келдик. Бу эса, муносабатларимизни нормаллаштириш ишига хизмат қилади ҳамда маданий ва иқтисодий алоқалар учун йўл очади.

Биз ҳал этилмаган навбатдаги проблемалар тўғрисида халқимиз номидан сизларнинг раҳбарларингиз блан самимий музокаралар олиб бориш имкониятига эга бўламиз, деб умид қиламиз, бу эса, Лондонда олиб борилаётган музокараларимизга ёрдам беради деб ишонамиз.

Шу муносабат блан биз сизларнинг раҳбарларингиз кўрсатаётган ёрдамдан фойдаланиб, ўзимизнинг тарихий миссиямизни амалга оширмоқ учун бутун кучимизни сарф қиламиз.

Олий Совет вакиллари ва бошқа раҳбарлар томонидан бизга нисбатан қилинган меҳмондўстлик учун яна чин қалбдан ташаккур билдирамиз. Биз ҳам Иттифоқнинг ҳамма халқларига дўстлик қўлимизни чўзамиз».

Совет ва четэл журналистлари делегациянинг қандай таассуротлар олганлиги тўғрисида, делегациянинг СССРда бўлиш программаси тўғрисида кўп саволлар бердилар.

Москвадан олган дастлабки таассуротингиз қандай бўлди? дейилган саволга жавобан Токутаро Китамура, уй-жой қурилишининг кенг миқёсда олиб борилаётганлиги, айниқса бу қурилишнинг индустриал методлар блан олиб борилаётганлиги менда жуда катта таассурот қолдирди, деб айтди.

— Биз эски Москвани — Кремльни ва ундаги ҳашаматли ме'морлик намуналарини ҳамда рус усталарининг сан'атини кўрдик, эртаси кун янги Москва блан танишдик. Умуман бу гўзал шаҳар бизда жуда чуқур таассурот қолдирди, — деди Токутаро Китамура.

Масару Номидзо қўшимча қилиб айтдики, делегация Москва давлат университетининг Ленинские горидаги биносига яқин жойда янги уй-жой районида бинолар қуриш плани блан танишди, монтаж майдончасида бўлди, буерда, деди Масару Номидзо, — мактаб биноси жаҳонда мисли кўрилмаган сур'атлар блан қурилмоқда.

Матбуот конференциясининг охирида делегация бошлиқлари шу матбуот конференциясига келганларга делегациянинг сафарига ва Совет Иттифоқида бўлишига қизиққанликлари учун ташаккур билдирдилар.

Япония парламент делегацияси кечқурун СССР Иттифоқи Большой театрига бориб, Бизенинг «Кармен» операсини тингладi. (ТАСС).

Демократик Германия миллий фронтининг Миллий кенгаши ва фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчилари комитетининг мурожаати

БЕРЛИН, 5 сентябрь. (ТАСС). АДН агентлиги 11 сентябрьда фашизм қурбонлари хотираси халқаро куни бўлиши муносабати блан демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг ва фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчилари комитетининг аҳолига қарата чиқарган мурожаатини э'лон қилди.

Бу кунда, — дейилади мурожаатда, — фашизм ҳалок қилган 11 миллиондан кўпроқ кишининг хотираси нишонланади. Фашизмга қарши курашган бу кишилар миллат иши учун, демократия, озодлик, прогресс ва тинчлик учун ўз жонларини фидо қилдилар. Улар ватанпарварлик курашининг намунасидирлар, бундай курашда ҳарбир киши ўз халқини ва ўз ватанини чин қалбидан севади. Улар бизга шу нарсани та'лим бердиларки, милитаризмга ва фашизмга душман бўлган кишиларнинг ҳаммаси битта ватанпарварлик халқ ҳаракатида бирлашганларидагина халқ душманлари устидан ғалаба қозониш мумкин. Бу миллий вазифа Ғарбий Германияда ва Ғарбий Берлинда ҳозирги пайтнинг талабидир.

Шу сабабли, фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракати қаҳрамонларининг васиятларини эсда тутиб, ватанга чуқур муҳаббатли бўлган ҳолда милитаризмга ва фашизмга нафрат ҳислари блан тўлган кишиларнинг ҳаммасига қўлимизни узатмоқдамиз. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган герман милитаризми ва фашизм абадий йўқ қилиниши лозим.

Сўнгра мурожаатда айтилганки, герман милитаризмининг тикланишига қарши, Ғарбий Германиянинг қайта ҳарбийлаштирилишига қарши муваффақиятли кураш олиб бормоқ учун, Германияни тинч ва демократик асосда тезроқ қайта бирлаштириш йўлини очмоқ учун Германиянинг шарқидаги ва ғарбидаги немисларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши зарур.

Мурожаатда меҳнаткашлар фашизм қурбонлари хотираси кунида ўтказиладиган тадбирларда актив қатнашишга да'ват қилинган.

ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 3 сентябрь. (ТАСС). Париж матбуоти хабар беради: Жазоирда ва Марокашда француз қўшинлари ва полиция блан маҳаллий аҳоли ўртасида қонли тўқнашувлар давом этмоқда.

Кейинги уч кун ичида Жазоирда Уэдзенатининг шарқи-шимолидаги Галльени яқинидаги тоғлик Орес районида ва бошқа жойларда бўлган тўқнашувлар натижасида қўзғолончилардан юздан кўпроқ киши ўлдирилган ва ярадор қилинган. Французларнинг талафоти 15 кишидан иборат бўлган. Франс Пресс агентлигининг берган хабарларига қараганда, француз қўшинлари «қўзғолончилардан тозалаш операцияларини» давом этдирмоқдалар, қуроллароғлар ва ўқ-дорилар қидириб тинтувлар ўтказмоқдалар, французларга қарши ташкилотларга мансуб бўлишда шубҳаланган маҳаллий кишиларни қамоққа олмоқдалар. Жазоир генерал-губернатори Жак Сустель Жазоирдаги аҳволни «оғир аҳвол» деб айтди.

Франция «Шимолий Африка бўйича координация комитетининг» кеча Эдгар Фор раислиги остида бўлган мажлисида Жазоир проблемаси муҳокама қилинди. Франс Пресс агентлигининг берган хабаридан ма'лум бўлишича, шу мажлисда Жазоирдаги француз ма'муриятининг ҳарбий ва сиёсий тадбирлари ма'қулланган. Жазоирга юборилаётган мадад ҳарбий қисмларининг сонини 15 батальонга етказишга қарор қилинди; бу қўшинларнинг бир қисми ҳозир йўлда бормоқда. Комитет Сустель томонидан тақдим қилинган «ислоҳатлар» планини ҳам ма'қуллади. Бу планда, жумладан, Жазоирда қишлоқ хўжалиги ишларини олиб бориш методларини яхшилаш кўзда тутилади.

Газеталарнинг хабарларича қараганда, Марокашда ҳам қўшинлар ва полиция ғалаён қатнашчиларига қарши жазо чоралари кўришни давом этдирмоқдалар. Марокашга Франциядан янги мадад ҳарбий қисмлари юборилмоқда.

Бельгияда Совет Иттифоқи учун қурилган теплоход сувга туширилди

БРЮССЕЛЬ, 4 сентябрь. (ТАСС). Бечa Тамиз шаҳрида 5200 тонна ҳажмдаги «Василий Докучаев» юк теплоходини сувга тушириш маросими бўлди. Кема Совет Иттифоқининг закази блан «Боель» кемасозлик фирмаси томонидан қурилган эди.

Кемани сувга туширишда СССРнинг Бельгиядаги муваккат ишлар вакили М. Ф. Кучмин, СССРнинг савдо вакили Л. А. Разин, Бельгиядаги совет муассасаларининг расмий вакиллари, шунингдек «Беоль» фирмасининг раҳбарлари, инженерлари ва ишчилари ҳозир бўлдилар. СССР ва Бельгиянинг давлат байроқлари блан безатилган кемасозлик корхонасида теварак-атроф шаҳарлардан келган жуда кўп киши тўпланди.

«Василий Докучаев» теплоходи СССР давлат гимни садолари остида секингина сувга туширилди.

Кема сувга туширилгандан кейин фирма раҳбарлари қабул маросими ўтказдилар. Қабул маросимида М. Ф. Кучмин, Л. А. Разин, Бельгиядаги совет муассасаларининг мас'ул ходимлари, шунингдек Бельгия жамоатчилиги ва матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАЛ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МОСКВАГА БОРАДИГАН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОСТАВИ ТЎҒРИСИДА АДН АГЕНТЛИГИНИНГ БЕРГАН ХАБАРИ

БЕРЛИН, 4 сентябрь. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: 8 сентябрьда Москвага учиб кетадиган ҳукумат делегациясининг составига киритилган кишиларнинг рўйхати бугун Боннда э'лон қилинди. Ҳукумат делегацияси составида қуйидагилар бор:

Федерал канцлер Аденауэр, ташқи ишлар министри фон Брентано, Статс-секретарь Глобке, стаст-секретарь Хальштейн, элчи Бланкенхорн, министриаль-директор профессор Греве, элчи фон Эккардт, министериаль-директор Рейнхарт (хўжалик министрлиги), министериальдирегент фон Шерненберг (Германия Федерал Республикаси ташқи ишлар министрлиги савдо-сиёсий бўлимининг ходими); Германия Федерал Республикаси ташқи ишлар министрлигининг ходимлари фон Трютцшлер (маданият бўлими), фон Вальтер (шарқий сиёсий бўлим), Мор (протокол бўлимининг бошлиғи) ва Дворак (матбуот ва информация федерал бошқармасидан). Бундан ташқари, Шарқий Европа масалалари институтининг раҳбари профессор Кох ҳам делегация блан бирга боради.

Бундесрат ташқи ишлар комиссиясининг раиси Карл Арнольд ва бундестаг ташқи ишлар комиссиясининг раислари Кизингер ва Карло Шмид ҳам федерал канцлерга ҳамроҳ бўлиб борадилар.

Ҳукумат делегацияси учиб кетмасдан бир кун олдин, 7 сентябрьда, бундестаг ташқи ишлар комиссиясининг мажлиси бўлади, сафарга бевосита тааллуқли масалалар шу мажлисда муҳокама қилинади.

ҲИНДИСТОНДА ГОАНИ ОЗОД ҚИЛИШ УЧУН ҲАРАКАТ

ДЕҲЛИ, 5 сентябрь. (ТАСС). «Стейтсмен» газетаси хабар беради: Гоа миллий конгресси томонидан ташкил этилган тинч қаршилик кўрсатиш ҳаракатига داхлдор бўлган ҳинд ва гоали сиёсий арбобларининг 2 сентябрьда Бомбайда кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда, Португалиянинг Ҳиндистондаги ерларини озод қилиш йўлидаги мақсад рўёбга чиқмагунча тинч қаршилик кўрсатиш ҳаракатини давом этдириш керак, деган қарор қабул қилинди.

ДЕҲЛИ, 5 сентябрь. (ТАСС). «Ҳиндистон таймс» газетасининг ёзишича қараганда, Умумҳиндистон порт ишчилари федерациясининг вакили, Ҳиндистон ҳукумати Португалия кемаларининг Ҳиндистон порт ларидаги иншоотлардан фойдаланишларини тақиқлашга қарор қилганлиги тўғрисида федерацияга ма'лум қилди, деб айтган.

Англияда нарх-наво ошмоқда

ЛОНДОН, 3 сентябрь. (ТАСС). Англия матбуоти озиқ-овқат маҳсулотлари ба'зи турларининг нархи ошиб бораётганлигини билдиради. «Дейли уоркер» газетасининг ҳисобларига қараганда, ҳозирги вақтда Англиядаги ҳарбир оила озиқ-овқат учун май ойидагига нисбатан 5 — 10 процент кўпроқ ҳақ тўлаётир, йил охирига келганда, озиқ-овқат учун бўладиган харажатлар яна 5 — 10 процент ортса керак.

МИСР-ИСРОИЛ ЧЕГАРАСИДА АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 3 сентябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Қоҳирадан билдиришига қараганда, Миснинг расмий вакили бугун қуйидагиларни айтган: тўрт бронемашина мадад бериб турган Исроил отряди Ғазанинг шимолий қисмида мисрлилар постига атака қилган. Исроил қўшиндари фаластинли қочоқларнинг Ғаза яқинидаги лагерига ҳам атака қилганлар.

ПЕРУ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ БЕРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 3 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Лимадан (Перу) билдиришига қараганда, 1 сентябрьда Перу республикаси конгрессининг сенати хотин-қизларга эркаклар блан бир қаторда сайлов ҳуқуқлари бериш тўғрисидаги қонун проектини ма'қуллаган.

Янги қонунга мувофиқ, эрга теккан 18 ёшли ва ундан катта ёшдаги хотинларга ҳамда 21 ёшдан тортиб эрсиз хотинларга конгрессга ўтказиладиган сайловда қатнашиш ҳуқуқи берилади.

Перу хотин-қизлари илгари вақтларда муниципал сайловдагина қатнашиш ҳуқуқига эга эдилар.

Югославия иқтисодий делегацияси ватанига жўнаб кетди

КИЕВ, 4 сентябрь. (ТАСС). Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари С. Вукманович-Темпо бошчилигидаги Югославия Федератив Халқ Республикасининг иқтисодий делегацияси Совет Иттифоқида икки ҳафта бўлганидан кейин бугун Киевдан ватанига жўнаб кетди.

Киев аэродромида меҳмонларни Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. С. Гречуха, Украина ССР ташқи ишлар министри Л. Ф. Паламарчук, Украина ССР маориф министри Г. П. Пинчук, Украина ССР маҳаллий ва ёқилғи саноати министри П. Ф. Гриценко, Украина ССР Госплани раисининг ўринбосари А. И. Селиванов, Киев область ижроия комитетининг раиси И. И. Стафийчук, Киев шаҳар Советининг раиси А. И. Давидов, Украина ССР Ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари узатиб қолдилар.

Югославия делегациясини иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. А. Смелов, Совет Иттифоқининг Югославиядаги савдо вакили Я. И. Красюк ва иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармаси протокол қисмининг бошлиғи В. М. Державин ҳам узатиб қолдилар.

Делегация бошлиғи С. Вукманович-Темпо жўнаб кетиш олдидан қуйидаги баёнотни ўқиб берди:

— Жўнаб кетатуриб шуни та'кидлаб айтмоқчиманки, ҳамжиҳатлик руҳида олиб борилган бизнинг музокараларимиз янада яхшироқ ва яқиндан иқтисодий ҳамкорлик қилмоқ учун ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилмоқ учун шароит вужудга келтиради. Музокаралар вақтида биз конкрет натижаларга эришдик, бу натижалар оз эмас, буни э'лон қилинган қўшма ахборотдан билиш мумкин. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб қолай: қилиб олинган натижалар, музокаралар вақтида Совет Иттифоқи Югославия экономикаси учун мақбул бўлмайдиган ёки Югославиянинг бошқа мамлакатлар блан мавжуд иқтисодий муносабатларига салбий та'сир ўтказиши мумкин бўлган таклифларни қилмади. Аксинча, Совет Иттифоқи ўзининг кредитлари блан бизга реал ёрдам кўрсатди, бу ёрдам экономикамизнинг навбатдаги проблемаларини камроқ машаққат блан ҳал қилишимизга имкон беради, шунингдек перспектива планимизни анча кўпроқ маблағлар блан ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бу нарса айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни юксалтиришга ва янада оширишга таллуқлидир. Совет Иттифоқи мана шу ёрдамлари блан Югославиянинг бошқа мамлакатлар блан ўз иқтисодий алоқаларини яхшилаш имкониятларини ҳам осонлаштиради.

Совет Иттифоқи блан бўлган шартнома муносабатларимиз туфайли ўзимизнинг ташқи савдомизни кенгайтиришимиз мумкин бўлади, навбатдаги тўловларни тўлашимиз ва қисқа муддатли савдо ҳамда молиявий операцияларнинг ҳаммасини ўтказишимиз осонроқ бўлади.

Айтилганларга якун ясаб, шу нарсани уқтириб ўтмоқчиманки, бизнинг шартнома муносабатларимиз халқлар ўртасида конструктив ҳамкорлик қилишга ўрнак бўлаолади, бундай ҳамкорлик бутун ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга олиб келади.

Яна икки нарса тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. Мен Совет Иттифоқидаги техника ва ишлабчиқаришнинг юксак даражада эканлигини кўриб ҳайратда қолдим ва хурсанд бўлдим. Жуда кам нарсани кўрдим, буни биламан, лекин шу кўрган нарсаларимнинг ўзи ҳам СССРнинг илғор техникаси борлигидан далолат беради. Сизлар учун бу нарса ишлабчиқаришни янада юксалтириш ва бутун экономикани ривожлантириш учун гарантиядир. Бизлар учун бу нарса тажриба айирбошлаш имкониятидир ва шу асосда мамлакатимизни янада тезроқ ривожлантириш имкониятидир.

Правардида С. Вукманович-Темпо бундай деди:

— Совет Иттифоқида мени ва делегациямизни самимий қизғин равишда ва ўртоқларча кутиб олганликлари учун айниқса ташаккур айтишни истайман.

Югославия ёзучиларининг с'езди бўлади

БЕЛГРАД, 5 сентябрь. (ТАСС). Югославия ёзучиларининг навбатдаги IV с'езди 15 сентябрьдан 17 сентябрьгача Охридада ўтказилади. С'ездда Милан Богдановичнинг «Югославия адабиётининг 10 йили» деган доклади, Димитар Митревнинг «Македония эркин адабиётининг 10 йили» деган доклади, Марьян Матковичнинг «Ун йил ичида драма ижодияти» деган доклади ва Мира Алечковичнинг «Болалар адабиёти» деган доклади тингланади. Ёзучилар союзининг III с'езд блан IV с'езд ўртасида ўтган даврда союзнинг фаолияти ҳақидаги доклади ҳам тингланади.

Югославия ёзучилари бу с'ездга ўз ишларида эришилган анча якунлар блан келмоқдалар. Белград радиосининг хабарида айтилишича, кейинги ўн йил мобайнида Югославия ёзучилари ва шоирларининг 1280 та янги асари, шу жумладан, 300 тадан кўпроқ ше'рлар тўплами, 294 та ҳикоялар тўплами, 125 та роман нашр этилган. Болалар ва ёшлар адабиёти катта ўрин олмоқда. Шунингдек 187 та танқидий мақолалар, адабий очерклар, саёҳатлар тўғрисидаги очерклар ва монографиялар нашр этилган.

Китобхонлар Добрич Копричнинг «Қуёшга етгунча ҳали анча бор» ва «Илдизлар» деган романларини, шунингдек Бранко Чопичнинг «Ёрилиш» деган романини ва Оскар Даричнинг «Қўшиқ» деган романини кўп талаб қилмоқдалар.

Югославия ёзучилари мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида актив қатнашмоқдалар. Кейинги йилларда улар 800 га яқин адабий кеча ўтказдилар, турли темаларда лекциялар ўқидилар ва бу блан аҳоли орасида адабиётга қизиқишнинг кучайишига ёрдам бердилар.

Урушдан кейин Югославиянинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида бўлган турли ўзгаришлар ёзучиларнинг адабий ижодиётига ҳам ўз та'сирини ўтказди. Ёзучилар мамлакатнинг маданий ҳаётида ўзларига муносиб ўрин олиб, Югославия меҳнаткашларининг маданиятини янада ривожлантиришга ёрдам бермоқдалар.

Таиландда мактаблар етишмаётир

БАНГКОК, 3 сентябрь. (ТАСС). «Бангкок пост» газетасининг билдиришига қараганда кейинги уч йил ичида бошланғич мактабларни (бу мактабларда жам'и 1 миллион 147 минг бола ўқиган эди) тамомлаб чиққан 900 минг боладан атиги 200 минг болагагина ўрта ма'лумот олиш учун имконият берилган. Таиланд маориф министрлиги раҳбарлари мактабларнинг етишмаётганлигини ва чиқарилаётган маблағларнинг камлигини бунга сабаб қилиб кўрсатмоқдалар.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

«Гурник» (Польша) — «Зенит» (Ленинград)

ЛЕНИНГРАД, 3 сентябрь. (ТАСС). Бугун С. М. Киров номли стадионда «Гурник» (Польша Халқ Республикаси) спорт жамияти футболчилари блан маҳаллий «Зенит» командаси футболчилари ўртасида халқаро ўртоқлик матчи ўтказилди.

Совет футболчилари бу ўйинда 2:1 ҳисоби блан ғалаба қилдилар.

СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

РИМ, 4 сентябрь. (ТАСС). Бугун Миланда «Динамо» командаси (Москва) блан «Милан» номли итальян профессионал футбол клубининг командаси ўртасида футбол бўйича учрашув бўлди. Стадионга тўпланган 100 мингга яқин тамошабин ўйиннинг боришини қизиқиб тамоша қилди. Матч 4:1 ҳисобида совет футболчиларининг ғалабаси блан тугади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 6/IX да **Алишер Навоий**, 7/IX да **Оғриқ тишлар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IX да **Етти гўзал**, 7/IX да **Гулсара.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кеч соат 7 ва 10 да **Дайди** (иккала серия).

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **Тракторчилар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача ва кеч 10 да **Соррентога қайтиб кел.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 6 ва 7 — 40 минутда), НАВОИЙ номли (кундуз соат 12 дан кеч 10 гача) — **Дўндиқ.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли, «ХИВА» — **Дўндиқ.**

«ИСКРА» — **Князь қизи Мери.**

Газета ва журналларга
1955 йилнинг IV квартали учун обуна қабул қилиш давом этмоқда

ГАЗЕТАЛАР:
«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни».
ЖУРНАЛЛАР:
«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум».
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Пионер»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,
«Сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари».

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари бўлимларида ва агентликларида, шунингдек почтальонлар, ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика ва заводлар, МТС, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 36262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 05288. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1500.